Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган • 27 феврал, № 9 (3445) •

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН:

ХАРИТАГА БИР ҚАРАНГ...

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президент Ислом Каримов «Барқарор тараққиётга эришиш — устувор вазифа» мавзуида маъруза қилди.

— Йил сарҳисоби, энг аввало, иқтисодиётдаги ҳақиқий аҳволга баҳо бера олишимиз учун зарурдир, — деди Ислом Каримов. — У ўтган йилда иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳа тараққиёти ва тузилмасида қандай ижобий ҳодисалар рўй берганини, бозор муносабатлари хўжалик фаолиятимизга қай даражада чуқур кириб борганини, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш йўлида нималар тўсиқ бўлаётганини аниқлаш имконини бермоқда. Албатта, бажарган ишларимизга якун ясашда кўзбўямачилик, ўзимизни алдаш билан шуғулланмаслигимиз ва хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Ўтган 1997 йил якунларига келганда, шуни айта оламизки, —деди Президент, — бу йил ҳеч муболағасиз Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада ошган, ислоҳотларимизнинг бориши изчиллашган, дунё мамлакатлари билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларимиз мустаҳкамланган йил бўлди.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 5,2 фоиз ўсди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан ошди. Халқаро тажрибадан маълумки, айни шу кўрсаткич давлатнинг иқтисодий қудрати ва кишилар турмуши фаровонлиги ошишининг мезони бўлиб хизмат қилади. Маърузада айтилишича, Ўзбекистон собиқ шўролар ҳудудидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 1990 йилдаги бошланғич даражадан 12,7 фоиз, жумладан, 1996 йилга нисбатан 6,5 фоиз ортган ягона мамлакатдир.

Иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва секторларида ишлаб чиқариш ҳажми ошгани билан бевосита боғлиқ бўлди. Бу кўрсаткич саноатда 106,5, қишлоқ хўжалигида 105,8, қурилишда 102,6, савдода 112,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 121,3 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 11,2 фоиз кўпайди. Аҳолининг кўпгина қатламлари ўзларининг моддий аҳволини сезиларли даражада яхшиладилар. 1997 йилда аҳолининг муайян пул даромадлари жон бошига кўзда тутилганидан 10,5 фоиз ошди. Аҳолининг даромадлари ошибгина қолмай, уларнинг манбаълари ҳам ўзгармоқда. Барча даромадларнинг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

1997 йилда инсон манфаатлари борасида катта ишлар амалга оширилди. Ижтимоий-маданий тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш учун давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки барча бюджет харажатларининг қарийб 40 фоизи ажратилди. Шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига 30 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари қурилиши учун 34 миллиард сўм ажратилди. Йил давомида 6,7 миллион квадрат метр уй-жой ишга туширилди. Турар жой сертификатлари бўйича сотиб олинадиган уй-жой нархининг 50 фоизини қоплаш учун бюджетдан 1,2 миллиард сўм ажратилди. 64 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг беморга мўлжалланган шифохоналар қурилди. Аҳоли пунктларини сув ва газ билан таъминлаш дастури асосида сезиларли ишлар қилинди.

Йил давомида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, инсоннинг маданий, маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондириш борасида кўплаб эътиборга молик ишлар қилинди. Яъни, инсон манфаатларини юзага чиқариш юзасидан белгиланган тадбирлар асосан бажарилди.

Йиллар аста-секин ўтиб бормоқда. Мустақиллик бошида туғилган фарзандларимиз бугун етти ёшга тўлди, — деди Президент. — Ҳар бир йил халқимиз, миллатимиз, мамлакатимиз ҳаётида ўзининг ўчмас изини қолдирмоқда. Собиқ иттифоқдан бизга қандай мерос қолган эди? Бу ҳақда кўп гапирилган, аммо ортимиздан келаётган ёш авлодга бу тўғрида такрор-такрор айтиб туришга тўғри келади. Қисқа вақт ичида миллат ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Шўролар даврида Ўзбекистонда ишлаб чиқиладиган саноат маҳсулотларининг деярли ярми Тошкент шаҳри ва вилояти зиммасига тўғри келарди. Бугун энди манзара тамомила ўзгарди. Мустақил мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида йирик-йирик саноат корхоналари, завод-фабрикалар бунёд этилди. Президент бу ҳақда тўлқинланиб гапирар экан, Ўзбекистоннинг бундан етти йил аввалги ва бугунги харитасига кўз ташлаган киши бизда халқимиз фаровонлиги йўлида қандай ишлар олиб борилаётганлигини аниқ ҳис этади, деди.

Дарҳақиқат, етти йил ичида асрга татигулик ишлар бажарилди. Бугун ота-боболари даладан бошқа нарсани кўрмаган ўзбек йигит-қизлари замонавий саноат корхоналарида илғор технологияни эгаллаб, ҳеч кимдан қолишмай, маҳаллий миллат вакилларининг уқуви паст деган шўровий писандаларнинг пуч эканлигини исботлаб меҳнат қилмоқдалар, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Саноат корхоналарининг миллат равнақи, ижтимоий адолат нуқтаи назаридан туриб жойлаштирилиши ёшлар дунёқарашини ўзгартириш, ижтимоий фаолликларини ошириш имконини бермоқда. Республика раҳбарияти узоқ йиллар давомида йўл қўйиб келинган хатоларни тузатиш, ҳар бир кишининг ўз билими ва салоҳиятини намоён этишига имкон бериш йўлида изчил сиёсат олиб бормоқда. Президент масалани шундай қўйди — одамларда ўзига нисбатан, меҳнати самараларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига ишонч ҳисси ошиши керак. Бунинг учун эса қабул қилинаётган Фармонлар, қарорлар асосида ишбилармонлар, тадбиркорлар учун энг қулай, бюрократик сансалорликлардан холи шароит яратиб бериш лозим. Ишбошилар, раҳбарлар ўз меҳнат жамоалари аъзоларининг ташаббускорлик қайфияти ошиши учун қайғуришлари, ҳалол, пок, ишга садоқатли кишиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари лозим.

Ислом Каримов ўз маърузасида эришилган ва эришилаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар, тараққиётимизга бевосита ҳалақит бераётган нуқсон ва иллатлар тўғрисида очиқ-ойдин гапириб ўтди. Бу камчиликлар кўп соҳаларда иш юритиш услуби ҳамон эскича қолаётгани, янги давр руҳи, замон талаблари кўзга ташланмаётгани билан боғлиқ. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида йил давомида меҳнат қилиб фойда ўрнига зиён кўрадиган корхона ёки заводга тоқат қилинмайди. Буни ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин. Лекин бизда бу ҳол ҳамон мавжуд. Жумладан, 1997 йили 302 та корхона молия йилини 3,8 миллиард сўм зарар билан якунлади. Хўжалик судлари томонидан 145 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Аввалги йилда синганлари билан қўшиб ҳисоблаганда 136 та корхона тугатилди. Биргина қишлоқ хўжалигида 662 та корхона йилни зарар билан якунлаб юзи шувит бўлди.

Давоми иккинчи бетда

НАВРЎЗ ТИМСОЛЛАРИ

Наврўз эндиликда юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётир. Сўнгги йилларда Наврўзни тиклаш, унинг қадимий анъаналари, таркиби, томошалари, маросимларини ҳозирги кун кишиларининг савияси, руҳиятига мос қайта жонлантириш бўйича кўп ишлар қилинди. Бу борада сценарийчилар, режиссёрлар, томошасозлар, баковуллар томонидан катта тажриба тўпланди.

Наврўзни илмий ўрганиш бобида ҳам дастлабки қадамлар ташланди. Қуйида Наврўзни санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш бўйича олга сурилган янгича талқинлардан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Наврўзнинг шаклланиш даври — энг қадимги замонлардан зардўштийликнинг пайдо бўлишигача давом этган асрларни ўз ичига олади.

«Айтишларича, — деб ёзади Абу Райҳон Беруний ўзининг «Осор ул боқия» асарида, — шу кун Аллоҳ — унга ҳамду саналар бўлсин! — ўзи яратган, бироқ ҳаракатсиз коинотни айланадиган қилди, бир жойда қимирламай турган юлдузларни ҳаракатга келтирди ҳамда Қуёшни кашф этди, натижада илгари яширинган йилнинг фасллари, ойлари ва кунлари маълум бўлди ва ҳисоблаш бошланди». Демак, наврўзнинг пайдо бўлиши Ўрта Шарқ ҳудудида одамзот пайдо бўлиб, унинг онгу дунёқараши ўсиб, оламни ва табиатни англай бошлаши даврига бориб тақалади. Айниқса, йил ҳисоби, ундаги фасллар, ойлар, кунларни билиш, янги йилнинг бошланишини идрок этиш наврўз байрамининг яратилишида катта аҳамият касб этган. Бундан келиб чиқадики, Наврўз шаклланиш даврида деҳқончилик билан эмас, балки овчилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлган. Ўша пайтларда одамлар йилни икки фаслдан иборат деб тушунганлар, ёз ва қишни муайян инсоний қиёфада тасаввур қилганлар. Чунончи, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида ёзиб қолдирган «Қиш ва Ёз мунозараси» икки сўзамол, истеъдодли ижрочи томонидан бир-бирига зид тимсолларда гавдалантирувчи асардир. Унинг Н.Маллаев («Ўзбек адабиёти тарихи», Т., 1963, 64-бет) томонидан ҳозирги ўзбек тилидаги баёнига эътибор беринг.



Шивирлайди бодом гуллари.

Т. МАҲКАМОВ суратга олган

Қиш билан ёз тўқнашди,
Қингир (ёмон) кўз билан
бир-бирига қарашди.
(Бир-бирини) тутиб
олишга интилишди,
(Бир-биридан) ғолиб
келишга тиришди.

Ёз билан Қиш
қарама-қарши бўлишди,
(Уларнинг ҳар бири)
мақтаниш ёйини қуришди.
Қўшин тузиб, (бир-
бирини) таъқиб
қилишди,
Ўқ отиш учун (бир-
бирига) яқинлашди.

Парчадан Бири ёруғлик тимсоли бўлиб оқ ёки кўк Пўстин кийиб, Иккинчиси қоронғулик тимсоли бўлиб қора ёки олачипор Пўстин кийиб олган икки ижрочи икки томондан пайдо бўлиб, давра айлангани, бир-бирига яқинлашгани ва ғанимларча қарашгани, сўнг бир-бирига ҳамла қилгани ва ҳар қайсиси ғолиб келишга интилгани аниқ кўринриб турибди. Бу бир-бирига душман кучнинг тўқнашувидир. Афтидан, беллашувда кучлар тенг келган, қиш билан ёз бир-бирини енга олмаган. Аммо орани очиқ қилиш керак. Шу боисдан улар сўз жангига, айтишувга киришадилар. Қиш Ёзга қарши бақириб-чақириб сўз бошлайди:

Одамлар ва қора
моллар менда қувват
олади,
Касаллик камаяди,
Одамлар чиниқади...

Сенда кўпаяр чаёнлар;
Пашшалару илонлар,
Минглаб, туманлаб,
Думларини гажак
қилиб изғишар.

Ёз Қишга шундай жавоб беради:

(Сенда) балчиқ ҳамма
ёқни қоплайди,
Юпун кишилар захмат
чекади,
Бармоқлари совуқ
қотиб,
Оғиз ели билан
(пуфлаб) иситадилар.

Саъва сендан қочади,
Менда тинар
қалдирғоч.
Булбуллар сайрар
менда,
Нару мода
жуфтлашур...

ҚИШ ва ЁЗ шу тарзда бир-бири билан мунозара қилиб, ўз фазилатини айтиб мақтаниб, ғаниминнинг ёмон хислатларини фош этиб, уни енгишга ҳаракат қилади. Бу айтишувда Ёз баланд келади, Қиш енгилай-енгилай дейди. Аммо Қиш таслим бўлмоқчи эмас. Шунда элат оқсоқоллари уларга учинчи беллашувни — от миниб, пойга чопишни таклиф этадилар.

Давоми иккинчи бетда

«ЧИМИЛДИҚ»НИНГ ЮЗИНЧИ НАМОЙИШИ

Миллий театр санъати сарчашмалари халқ оғзаки ижодидан, энг қадимий анъаналаримиздан бошланади. Шунинг учун миллийлик ҳеч қачон эскирмайди, унутилмайди. Бундай фазилатлар ёш санъаткор Эркин Хушвақтовнинг «Чимилдиқ» спектаклига ҳам хосдир. Ҳамза номидаги академик драма театри ижодий жамоаси ушбу асарни саҳналаштирганидан буён кўп вақт ўтгани йўқ: орадан бир йил кечди, холос. Лекин ана шу қисқа вақт давомида «Чимилдиқ» халқимизга манзур асарга айланди. Спектаклнинг ҳар бир намойишида театр биноси томошабинлар билан гавжум бўлаётир. Бунинг сабаби унинг миллийлигида. Бугун «Чимилдиқ»нинг юзинчи намойиши бўлади. Шу муносабат билан асар ижодкорларини муборакбод этамиз.

Мамлакатимизда кўплаб миллат ва элатларнинг маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Тошкент шаҳар уйғур маданият марказидир. Мухбиримиз марказ раҳбари, таниқли ёзувчи Эмин Усмон билан учрашиб бу жамоат ташкилотининг бугунги фаолияти ҳақида суҳбатлашди.

— Маданият марказимиз 1989 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган бўлса-да, бутун мамлакатдаги уйғурларни бирлаштирган.

Бизнинг асосий вазифамиз маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, Ўзбекистонда уйғур адабиёти ва санъатини тарғиб қилишдан иборат. Бу ишларни амалга ошириш учун барча шароит мавжуд. Ўзбекистон тараққиётнинг ўзига хос, ўзига мос йўлидан бормоқда. Мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки, маданий, маърифий соҳаларда ҳам катта ютуқларга эришилаяпти. Барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўла таъминланган. Булар Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган доно сиёсат туфайлидир.

ҲАМЖИҲАТЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН

Илгари Андижонда уйғур ансамбли бор эди. Ҳозир бу жамоалар тарқалиб кетган. Бунга ўзимиз айбдормиз, албатта. Бозор иқтисодиётига вақтида мослаша олмадик. Шунинг учун яқинда бўлиб ўтган қурултойимизда ишларимизни мутлақо янгитдан ташкил этишни режалаштирдик.

Ўзбекистонда уйғур миллатига мансуб кўплаб олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар яшаб ижод этишган. Уларни эслаш, хотира кечаларини ўтказиш ҳам биз тирикларнинг бурчимиздир. Яқинда шундай хотира кечаларидан бири бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Жалолиддин Осимовнинг 90 йиллигига бағишланган бу тадбирда нафақат уйғурлар, ўзбеклар, руслар, тожиклар ва бошқа миллат вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар актёрнинг ўзбек ва қозоқ театр санъати ривожига ҳам катта ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлашди.

Тошкентда уйғур мумтоз адабиёти вакили Билол Нозим ва олим Мурод Ҳамроев номида мактаблар бор. Биз яқинда Билол Нозим номидаги мактабда учрашув ўтказдик.

Давоми иккинчи бетда

СУЛТОН СУЯГИНИ ХОР ҚИЛМАС

Телевидениемизда берилаётган «Бобур изидан...» номли кўп қисмли видеофилм кўпчиликни ҳаёжонга солган бўлса, ажаб эмас. Уни кўраётиб менинг кўнглимда дастлаб, ниҳоят миллатимиз руҳи шўравий ҳандақлардан чиқиб, чинакам ҳурликни таниянпти, деган ифтихор ҳисси туғилди. Зеро озодликка эришиб, ўз руҳининг султони бўлган миллатгина аждодларини ахтаради, уларнинг руҳини шод қилади, қабрларини эъзозлайди.

Филм ҳақида, ижодкорларининг беназир шижоатлари борасида ҳали матбуотда алоҳида чиқишлар бўлиши шубҳасиз. Мен эса филмни кўриш давомида юрагимда туғён кўтарган ушбу оғриқли фикрни тезроқ ўртоқлашишга ошиқдим.

Филмнинг Ғазнага сафар ҳикоя қилинган қисмидаги бир лавҳа мени ниҳоятда қаттиқ ларзага солди. Бу — буюк бобомиз Беруний қабрларининг бугунги ҳолатдаги кўриниши эди. Устига ҳар хил мармар синиқларию тош-кесаклар ўюлган бу қабр нураган пахса девор тагида жойлашганди. Ундан уч-тўрт қадам нари жой — шолипоя. Шолипоядан сув тушса, нақ ювиб кетгудек. Уруш ва муҳтожликдан мияси заранг бўлиб кетган деҳқон уни бир-икки йилда шолипоя-

Мулоҳаза

сига бамайлихотир қўшиб ҳам юбориши мумкин. Тарихнинг бешафқат йилдиримлари остида кунпаякун бўлган Ғазнанинг бугунги шўрлик, ситамзада фуқароси Берунийнинг кимлигини қаёқдан билсин?

Ҳолбуки Беруний ким эди? .. Туронзаминдан чиққан миллатдошимиз, башарият идрокини ўйготган бу бетакрор сиймони таърифлаб ўтириш ортиқча. Лекин унинг кишилик жамияти тарихида илк бор Ернинг думалоқ шаклда эканлигини аниқлаб, глобусни яратганлигини, Христофор Колумбдан 460 йил аввал Америка қитъаси борлигини башорат қилганлигини, Коперникдан қарийб беш аср илгари оламнинг маркази Ер эмас, Қуёшдир деган хулосага келиб, ернинг Қуёш атрофида айланишини биринчи бор ўртага қўйганлигини такрор эслаб ўтиш шу аснода ўринлидир.

«Ҳиндистон» эса Берунийнинг шоҳ асари бўлган. Бу асарни ёзиш учун у кўплаб тилларни, адабиётларни ўрганди. Жумладан, асарда таъкидланишича, ватандошларимиз бир қанча асарларни ҳинд тилидан араб тилига, бошқаларини қадимий ҳинд тили — санскритга таржима қилади. Таниқли немис олими Эдвард Захау: «Ҳиндшуносликда Берунийга тенг келадиган бирор олимни ундан олдин ҳам, кейин ҳам бўлганини билмаймиз», дея бежиз айтмаган.

Хуллас, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний геологиядан тортиб фармакологиягача, астрономиядан тортиб минерологиягача чуқур тадқиқ этиб, башариятга бебаҳо тафаккур хазинаси қолдирган. Ана шундай улуғ аждодимизнинг табаррук ҳокининг бугунги аҳволидан юрагинг титрамай иложи йўқ.

Тақдирга минг шукрларки, миллатимиз томири бани башар томирлари билан, унинг ибтидосию тараққиёти билан туташиб кетган. Шу боисданки, ўтган йили шавкати сўнмас шаҳарларимизнинг икки минг ва икки ярим минг йиллигларини нишонладик. Ал-Бухорий ва Ал-Фарғонийларнинг улуғ тўйлари арафасида яшаяпмиз.

Бу шукуҳ, бу сурур жаҳонкўрсинга ёки вақтинчалик эмас, балки халқимиз миллий мафкурасини шакллантираётган изчил сиёсатдир. Зеро бу борада Маъмун академиясининг Хоразмда роппа-роса минг йилдан кейин қайта тикланишида ҳам теран маъно бор.

Абу Райҳон Беруний мазкур Академиянинг энг порлоқ юлдузларидан бири эди. Унинг туғилганига бу йил 1075 йил, вафотига 950 йил тўлар экан. Ушбу саналар муносабати билан улуғ аждодимизнинг юрт меҳридан йироқ ҳокитуробига илмий жамоатчилигимиз томонидан эътибор қаратилса, муносабат билдирилса, ниҳоятда эзгу иш бўлурди. Албатта, бунга Афғонистондаги ҳозирги вазият тўсқинлик қилиши табиий... Лекин ЮНЕСКОдек обрули ташкилот ҳам бор-ку. Унинг минбаридан фойдаланиб, эзгулик билан бонг уриш керак!

Энди биз ўзига хон, ўзига султон миллатмиз. Султон эса суягини хор қилмайди.

Мирпўлат МИРЗО

КЎЗИМИЗ ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

Бир одам қиш-қировли кунларда тоғда адашиб, охири қаршисидан чиқиб қолган ғорга кириб кетган экан. Орадан қанча вақт ўтиб, ташқарига чиқса, қиш — гужонда, ҳаммаёқ чаман гуллаб ётган эмиш. Э, баҳор ҳам келиб қолибди-ку, деган экан.

Баъзи-баъзида шунақа воқеа-ҳодисаларга дуч келасанки, беихтиёр ўша ғорда қанча вақт мудраб ётган одам ёдингга тушиб кетади.

Биз узоқ йиллар давомида улуғ бобокалонларимиз ёди, маънавий меросларини топталишига тоқат қилиб келдик. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, мустақиллик туфайли қадриятларимиз, бебаҳо меросимиз яна ўзимизга қайтди. Аммо, истиқлолнинг еттинчи йилида, улуғ саркарда, соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллиги кенг нишонланганидан кейин бу табаррук зотга нисбатан ҳурматсизликни кўриб индамаслик асло мумкин эмас.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган акционерлик суғурта компанияси ўзига «Темирлан» деб ном қўйибди. Компаниянинг ҳужжатлари ва муҳрида бу нарса катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган ва у мазкур ташкилот мутасаддиларининг айтишича, республика Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган.

Рўйхатга олишаётганда мутасаддилар бир оғиз «Ҳей болалар, сал ўйлаброқ иш қилинглар, ахир мустақиллик даврида яшаяпмиза» деб қўйишмаган экан-да. Афсус...

М. ОҒАЛИЕВ

Сабоқ

БОШИНГИЗ ОҒРИЙДИМИ?

Иссиқ жон, гоҳ-гоҳ бошимиз оғриб туради.

Машҳур тиббиётчи олимлардан бири «Одамнинг боши оғримайди, бошдаги оғриқ — инсон танаси аъзоларидан биридаги носозлик белгисидир» деганди. Олим инсон кўзларининг кўриши ҳодисасини ҳам кўриш эмас, «борлиқнинг онгимизда акс этиши» дейди.

Демак, бош оғриги — бу ишора, огоҳ белгисидир. Шундай ҳолатга тушган одам танасидан хабар олиши, қаери ёрдамга, муолажага муҳтож эканлигини аниқлаши керак.

Ўйлаб кўрилса, одам боласининг бутун ҳаёти шундай билинар-билинмас ишоралардан иборатга ўхшайди. Ҳар бир киши — катта-кичиклиги, кекса ё ёшлиги, абжир ёинки ландовурлигидан қатъи назар, кунига ўнлаб, балки юзлаб ишораларга дуч келади. Аммо уларни аксар ҳолларда пайқамайди, эътибор бермайди, ишора тугунларини ечишга ўзини чоғламайди. Фақат, боши бир жойга урилганида, иши чаппасидан кетганида, тўшакка михланиб ётиб қолганида ва ё бошқа шу каби изтиробли ҳолатлар қуршовига тушганидагина «Э, калла, кўнглимга келувди-я, кўнглим чопмаганди-я, оёғим тортмаганди-я, тушим ҳам сал чалкашувди-я...» қабилида афсус қилади. Аммо фойдаси бўлмайди.

Ишоралар инсоннинг қалб кўзларида акс этади. Улар ҳамиша биз билан бирга: тунда ҳам, тонгда ҳам, саратону изгиринда ҳам. Ишоралар одамлар ҳаётини яхши-ёмонга, хурсандчилигу изтиробга бўлмайди. Ҳоҳ ёлғиз бўлайлик, ҳоҳ базми жамшидларда ўлтирайлик — бари бир, ишоралар ирмоқдай оқиб келаверади. Баҳорнинг эрта келиши — ишора, ҳайвонларнинг безовталаниши, ҳўрознинг бемаҳал қичқириши — ишора. Дарахт барглари пастдан эмас тепадан тўкила бошласа, мўридан чиқаётган тутун ер бағирлаб ўрласа, қуёш уфқни қонга белаб ботса, олма дарахтлари меванси ҳаддан зиёд тугиб шохини кўтара олмай қолса — булар ҳам хосиятли-хосиятсиз белги-ишоралардир. Тилсиз табиатнинг, аниқроғи биз тилини тушунмайдиган она-табиатнинг огоҳ белгиларидир. Сувнинг пўртана бўлиб оқишида, қушларнинг чуғурида, қалдирғочлар рақсида маъно йўқ деб ўйлайсизми? Далада қурт-қумурсқаларнинг кўпайиб кетиши, юмронқозиқлар қиш гамини эртароқ ея бошлашлари, қашқирларнинг кўрқмай қишлоқ оралаб қолишлари, лайлакларнинг иларини ташлаб кетишлари наҳотки ўз-ўзидан бўлса?! Йўқ, бу дунёда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Табиатдаги, инсон феъл-атворидаги ўзгаришлар ҳам. Яхши одам бирданига ёмон, тарбияли бола ўз-ўзидан тошюрак ёки безори бўлиб қолмайди. Қаердадир меъёр, мувозанат бузилган. Нимагадир эътибор сусайган ёки ортиқча ружу кучайган. Ахлатни ариққа тўкамиз, бировнинг ҳақидан кўрқмаймиз, нонни ташлаб юборамиз — булар-да, одамлар онгидаги ўзгариш ишораларидир.

Одам кўп, тақдир — битта, йўл кўп, манзил — битта. Ҳаммага биттадан қоровул, ишорачи қўйиш қийин, мумкин ҳам эмас. Виждонни соябон, иймонни йўриқчи қилишдан ўзга чора йўқ. Бас, шундай экан, огоҳ-ишоралардан огоҳ бўлайлик.

Йигирманчи аср тарихга атом асри бўлиб кирди. Навбатдаги юз йилликни олимлар ахборот асри деб номламоқдалар. Мен эсам инсоният ҳаётининг бу муҳим довонини ишоралар моҳиятига яқинлашув асри бўлиб қолишини истардим.

М. АҲМАДЖОНОВ

«ТАҚДИР»

Янги томоша

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрининг истеъдодли актёри ҳамда режиссёри Рустам Маъдиев театр шинавандаларини яна бир янги асар билан хушнуд этди. Ўзининг «Тақдир» деб номланган икки пардали мусиқали драмасини театр ижодий жамоаси билан биргаликда томошабинлар ҳукмига ҳавола қилди.

Истеъдодли композитор Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси асар руҳини очиб беришга муносиб ҳисса қўшган. Ўзбекистон халқ артисти Наби Халилов спектаклга дирижёрлик қилган. Асар ғоясига мос саҳна безакларини эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Туйғун Шораҳимов ишлаган. Н.Глубокина танлаган либослар, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Умиджонов раҳбарлигидаги хор артистлари ижролари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шокир Аҳмедов саҳналаштирган рақслар асар мазмунини очишга хизмат қилган.

Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг етук ва ёш артистларидан Б.Холмирзаев, Х.Тўхтаев, З.Бойхонова, М.Отажонова, Ф.Аҳмедов, Т.Бекназаров, Ф.Раҳматова, М.Қаюмова, Н.Пўлатова, Н.Ҳасанова, Г.Мирзажонова, А.Мирзаева, М.Азизов, М.Толипов, Ж.Жўраев ва бошқалар ижро этмоқдалар.

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН:

ХАРИТАГА БИР ҚАРАНГ...

Боши биринчи бетда

Камчиликларнинг яна бир тури — бу эски технология ва сифатсиз маҳсулот. Жуда кўп раҳбарлар бозор иқтисодиёти шароитларида эгасиз, талаб этилмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш — бу ўз оёғига ўзи болта уриш билан баробар эканлигини тушуниб етмаяптилар. Бозорни ўрганмаслик, кимга нима керак, қанча керак ва қайси пайт керак-лигини ҳисоб-китоб қилмай, собиқ иттифоқ давридагидек, нима бўлса номига ишлаб чиқавериш корхонани сўзсиз синдиради. Бундай аҳволга тушиб қолмаслик учун халқ хўжалигининг асосий тармоқларида шартнома асосида ишлашга ўтиш керак. Бу тўғрида жуда кўп кўрсатмалар берилган, аммо амалда манзара ҳамон ўзгача.

Ҳар жиҳатдан оқсаб қолаётган, аҳволи ночорлашиб, ишчи-хизматчилари олдида юзлари шувит бўлиб қолган корхоналар, заводларнинг иш фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бундай жойларда молиявий интизом қўпол равишда бузилмоқда. Асоссиз, беҳуда, ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар кундан-кунга ошиб бораётир. Нўноқ раҳбарлар ўз ташкилотининг эртасини, равнақини, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ўйлаш ўрнига, ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолмоқдалар. Президент бундай раҳбарлар тўғрисида гапирар экан, улар бундай номақбул йўлдан воз кечмас эканлар, биз улардан воз кечишимизга тўғри келади, деб таъкидлади.

Мажлисда Ватан тараққиёти, миллат равнақи манфаатларига хиёнат қилаётган айрим нопок кимсаларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари рўйи-рост очиб ташланди. Бугун энди ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш, халқимиз турмуш даражасини ошириш, Ўзбекистонни бой-бадавлат замонавий илғор давлатга айлантириш вазифаси қўйилган бир пайтда, айрим раҳбарлар, мутасаддилар ўзларига нисбатан билдирилган ишончни оқламаётганлари ғоят таассуфли бир ҳолдир. Ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларида, солиқ ва божхона тизимида ишлаётган ҳалол, пок, иймони бут одамлар орасига қўли эгри, кўзи оч, чўнтагига тушадиган тўрт сўм фойда учун халқнинг, давлатнинг катта-катта маблағлари, моддий бойликларини бемалол четга чиқазиб юборишдан ҳам қайтмаётган кимсаларнинг қилмиш-қидирмишлари қонун асосида баҳоланиши керак. Токи, шундай йўл ёнида турганлар билиб қўйишсинки, қингир ишларнинг қийиғи барибир очилади ва улар эл-юрт олдида жавоб берадилар.

Президент ўз маърузасида қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларга яна эътиборни қаратди. Бу соҳа олдида турган вазифалар Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида аниқ-равшан белгилаб берилди. Ерга, хўжалик юритишга муносабатни тубдан ўзгартирмай туриб, экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшиламай туриб, сув муаммосини тўла ҳал этмай туриб қўйилган вазифаларни бажариб бўлмайди, деди нотиқ.

Маърузада ўтган 1997 йили 1177 та фермер хўжаликлари ўз фаолиятларини тўхтатганлиги факти келтириб ўтилди. Нега шундай бўлганлиги таҳлил этилганда, жойлардаги раҳбарлар жуда кўп фермер хўжаликлари бошлиқларининг уқувсизлигини, ер билан ишлашни билмасликларини рўкач қилишади. Президент саволни кўндаланг қўйди: Хўш, уқувсиз одамларга ерни ким берган, ким уларни фермер хўжалиги раҳбари этиб тайинлаган?

Бундан кўринадики, жойлардаги раҳбарлар ердан унумли фойдаланиш, уни ишлай оладиган, ҳосил кўтара биладиган кишиларгагина бериш лозимлигини унутиб қўйганлар. Бунинг оқибатида ернинг умри ўтади, экин майдонлари қўлдан-қўлга ўтиб сарсон бўлади.

Шу маънода маърузада келтирилган битта факт ғоят характерлидир. Андижон вилоятидаги Й. Охунбобоев номли хўжаликнинг атиги 400 гектар экин майдони бор, бу ерда 26 минг киши истиқомат қилади, мингдан ортиқ меҳнатчи шу экин майдонининг ҳар қаричидан имкони борича унумли фойдаланишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Жиззах вилоятида эса битта тадбиркорга... 420 гектар ер ажратиб берилган. У бўлса ернинг асосий қисмини фақат ўз фойдасини ўйловчи шоввозларга бўлиб берган. Бундан на хўжаликка, на давлатга манфаат бор.

Президент оммавий ахборот воситалари ходимларининг бурч ва масъулиятларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Журналистлар мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларни, бунёдкорлик ишларини ўз вақтида чуқур таҳлил этиб боришлари, муаммоларни кўтараётганда холис бўлишлари, юзакичиликка йўл қўймасликлари лозим. Айни пайтда, вазирликлар, идоралар, мутасаддилар раҳбарлар матбуот ходимларининг сўроларига тўғри муносабатда бўлишлари, амалдаги қонунчилик асосида уларга керакли ва зарур маълумотларни ўз вақтида беришлари лозим. Ижодкор зиёлилар мамлакатимиз, давлатимизнинг обрў-эътибори билан боғлиқ мавзуларни қаламга олиб, одамларга мамлакатнинг порлоқ келажаги, миллат истиқболига даҳлдор мустаҳкам пойдеворлар ҳақида ҳикоя қилиб беришга даъват этилдилар.

Йиллар ўтаверади. Ҳар бир йил халқимиз, мамлакатимиз ҳаётига ўзининг ўчмас изини қолдиради. Ва, айни пайтда, уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, вазифалари ҳамда амалга оширилган ишлари, халқнинг турмуш даражасига кўрсатган бевосита таъсири билан ҳам характерланади. Йилларнинг салмоғини ошириш, Ўзбекистон харитасини моддий ва маънавий жиҳатдан янада бойитиш ҳар биримизнинг, ҳар бир жамоанинг, ҳар бир меҳнат корхонасининг ва ҳар бир мутасаддининг саъй-ҳаракатига, пок ниятига, эзгу амалларига боғлиқ. Бугунги асосий талаб — шу.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Тарихимиз саҳифалари

ЖАСОРАТ ВА ХИЁНАТ

ёхуд Бухоро амирлигининг Россия томонидан босиб олиниши

БИРИНЧИ МАҚОЛА

ЭЧКИГА ЖОН, ҚАССОБГА ЁҒ ҚАЙҒУСИ

Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори генерал М. Г. Черняев 1866 йил январида Бухоро амирлигини бўйсундириш учун эълон қилинмаган уруш бошлади. Унинг қўмондонлигидаги рус қўшинлари Жиззах томон отланди. Бу хабарни эшитган амир Музаффар ўзи тахтга чиқарган ва ҳомийлигида бўлган Қўқон хони Худоёрга босқинчилар йўлини тўсишни буюрди. Худоёрхон Россия билан тўқнашувдан чўчиб, бу фармонни бажармади.

Шу пайтгача осонликча эришилган ғалабалардан мағрурланган Черняев малакали ҳарбий қисмлари билан Жиззахни тезда эгаллашига шубҳа қилмаган эди. Лекин ўз юрти, она тупроғи ва муқаддас ватани озодлиги учун ҳаёт-момот жангига бел боғлаган Жиззах мудофаачилари рус қўшинларига қарши мардона жанг қилиб, уларни мағлуб этдилар. Бу билан ҳозирга қадар енгилмас деб овоза қилинган русларни енгиш мумкинлигини, бунинг учун уларга қарши бир жон, бир тан бўлиб, уюшган ҳолда жанг қилиш лозимлигини амалда исботладилар.

Санкт-Петербург Жиззахдаги мағлубият Россиянинг Марказий Осиёдаги мавқеига жиддий путур етказишидан хавфсираб, ўзбошимча Черняевни мансабидан четлатди. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори ва қўмондони этиб генерал Романовский тайинланди. Россиянинг ҳукмрон доиралари шу тариқа ўз босқинчилик ҳаракатларини хаспўшламоқчи бўлдилар. Лекин улар бир томондан Черняевни «жазолаган» бўлсалар, иккинчи томондан Романовскийга қатъий ҳарбий ҳаракатлар қилишга ижозат бердилар.

Рус босқинчилик сиёсатининг моҳиятини тушуна бошлаган Бухоро амири ўз давлатига тажовуз бўлиши мумкинлигини англади. Муфтий Хожа Муҳаммад Порсо бошчилигидаги элчиларини ёрдам сўраб, Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Истанбулга жўнатди. Порсо инглизларнинг Ҳиндистондаги вакили Жон Лауренсега амир Музаффар мактубини топшириб, Англия қироличасига ҳам бу илтимосни етказишини сўради. Бироқ 1842 йили инглиз полковниги Стоддарт ва Коноллининг Бухорода ўлдирилганлигини унутмаган инглиз ҳукумати аввал Ҳиндистондаги вакили Жон Лауренсе орқали, кейинроқ Истанбулдаги элчиси Эллаб воситасида орадаги масофа жуда узоқлигини баҳона қилиб, ёрдам бера олмаслигини билдирди.

Муаррих Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотини Манғитийа» деган асарида келтирилишича, рус қўшинининг тобора ичкарилаб келаётган тажовузи амирликнинг илғор қарашли, зиёли нуфусида айниқса қаттиқ нафрат уйғотади. Бухорода мадраса талабалари жунбушга келиб, босқинчиларга қарши ғазот қилиш талаби билан чиқа бошлайдилар. Шаҳар раиси Эшон Бақохўжа садр амирни ғазотга отланишга даъват этади. Ноилож қолган амир, Абдулазим Сомий айтмоқчи, «беихтиёр юришга қарор қилди. Муқаддас ғазот учун пайшанба куни беадад қўшин ва беҳисоб хайриҳоҳлар билан узангига оёқ қўйди ва Бухорои шарифдан жўнаб кетди».

Англашиладики, амир жиддий ҳарбий тайёргарлик кўрмасдан русларга қарши жанг бошлайди. Оқибатда ўз фуқароларини муқаррар ҳалокат сари бошлаб боради. Бу унинг Романовский қўшини Сирдарё даштига чиққани ҳақидаги хабарни олганида қилган хатти-ҳаракатларида ҳам яққол кўзга ташланади. У русларнинг йўлини тўсиш учун Оллоёр девонбеги қўмондонлигидаги 30 минглик қўшинга жанговар маррани эгаллашни буюради. Апрел ойи охирларида ўз ихтиёридаги лашкар билан йўлга чиқиб, Ўратепа яқинидаги Рогун қишлоғида тўхтайди ҳамда девонбегининг ҳусни жамолда тенги йўқ қизини ҳузурига келтиришларини буюради. Юрт тақдири ҳал бўлаётган оғир вазиятда ҳам ўз фароғатини ўйлайди ва ҳарамига келтирилган 10 ёшли қиз лашкарбошисининг фарзанди эканлигини ҳам унутиб, ишратга берилади. Оллоёрбек девонбегининг сарбози Парчаюз Абдураҳмондан ёзиб олинган эсдаликка кўра, ўша тонгда қизининг сўйилган мурдаси топилади. Ерга, жанговар маррани эгаллаб турган Оллоёрбек девонбеги фарзанд доғида куйиб, бир неча кун чодирдан чиқмай ётади. Оллоёрбекка қилинган зулм унинг қариндошлари Тўхтамишбек ва Фозил додхоҳларда амирга қарши адоват уйғотади, Ўратепада ҳам нохуш кайфиятни кучайтиради. Бундан бехабар амир Ўратепа билан Жиззахни бирлаштирувчи карвон йўли ёқасидаги катта бир тепаликда (у кейинчалик «Амир қочган тепа» номини олган) қароргоҳ қуради.

1866 йил 8 майда генерал Романовский қўшинларининг илғор қисми Эржарда кўринган билан Оллоёрбек, Тўхтамишбек ва Фозил додхоҳ бошчилигидаги сарбозлар жанг қилмай, Ховос томон чекинадилар. Бу билан улар бегуноҳ марҳума қизча учун амирдан ўч олдик, деб ўйлайдилар. Шахсий хусумат юрт манфаатидан устун келиб, 30 минглик лашкар жанг майдонини русларга бўшатиб беради. Натижада руслар амир ихтиёридаги қўшинни бир ҳамла билан тўзитиб юборишади. Музаффар жанг майдонини шармандаларча ташлаб қочади.

Эржардаги ғалаба Романовскийнинг олдинга юришига имконият яратади. Руслар 17 майда Хўжанд остоналарига етиб келишади. Туронзаминда эрксеварлиги билан танилган ва босқинчиларнинг кўп марта додини берган бу кўҳна шаҳар душманга қарши ўзининг марди-майдон йигитларини жангга юборади. Шаҳар аҳлининг қаҳрамонона курашини Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий шундай тасвирлайди: «Хўжандликлар ғайрат камарини белларига боғлаб, уларни орқага қайтардилар... Бироқ хиёнаткорлар дарвозани очиб бердилар. Шунинг учун Хўжанд қалъасини олиш кофирларга осон тушди. Хўжанд фуқароси ғайрат ва шижоат ила ўруслар йўлини тўсиб, қатъий ҳаракатлар билан жангга кирдиларки, еру осмон, доно ва нодон кишилар афсус бармоқларини ҳайрат тишлари ила тишлаб таҳсин ва офаринлар айтдилар. Ҳар икки тараф тўпу тўфанг, чўпу таёқ ила бир-бирларини уриб (ўлим ила) яксон қилардилар. Хусусан, мусулмонлар кўпроқ тўпу тўфанг қурбони бўлиб, орқага қайтиб, ҳар бир кўча, маҳалла ва боғлар ичидан қочиб қолдилар. Кофирлар ҳам улар орқаларидан қувлаб кетдилар, кўча, маҳалла ва бозорларда одам қолмасдан, аёлу бола демасдан, кўп кишиларни милтиқ билан отиб шаҳид қилдилар...

Босқинчиларга қарши саккиз кун давом этган жангу жадалларда марди-майдонлардан беш минг киши шаҳид бўлади. Душман катта талофат эвазига Хўжандни эгаллайди. Шундан сўнг нигоҳини Ўратепага қадайди. 2 октябрда унинг остонасига яқинлашади. Ўз эли, юрти, озодлиги йўлида азиз жонини тиккан мардлар қаторига кексаю ёш, ҳатто аёллар ҳам қўшилади. 30 минг ҳимоячидан ярми ҳалок бўлади. Одам қони бамисоли ариқ сувидек оқади. Бу жанглар Аваз Муҳаммад Аттор асарида батафсил баён этилган: «Абдулғаффорбек Ўратепа вилоятининг ҳокими ва етакчиси эди. У бир қанча жасур ва мард одамларни йўл қўриқлашга юборганди. Йўлда икки гуруҳ душман билан тўқнашди. Мусулмонлар кофирларга шундай ҳамла қилдиларки, аҳли куффорда табу тоқат ва сабру сабот қолмади ва келган йўлларига қайтиб, минг найранг ила қочиб кетдилар... Улар пайшанба куни эрталаб ўз жойларидан кўчиб Кўркат мавзеига келдилар. Ислом лашкарлари кофирларнинг йўлини тўсиб, саъйу кўшиш ила жанги азим қилдилар. Кофирларнинг ҳарбий қудрати зўрлиги туфайли аҳли ислом мағлуб бўлиб, уруша-уруша орқага қайтдилар. Новкат мавзеига келиб, отларини тўхтатиб, яна қаттиқ жангга киришдилар. Ҳар бир мавзе ва қароргоҳ учун бетиним жанг қила-қила Моховзор мавзеига яқинлашдилар».

Бу жангларда юрт ҳимоячилари дастлаб душманни мағлубиятга учратгандилар. Бироқ рус манбаларида Ўратепадаги мағлубият ҳақида сўз юритилмай, кўпроқ рус солдатлари «жасорати»га эътибор берилади. Муаррих Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий асарида эса чин манзара тасвирланган: «Аҳли куффор қалъани эгаллаш қасди ила йўлга чиқди. Мусулмонлар бир қанча мерганларни қалъа атрофига жойлаб қўйган эканлар. Улар баттор кофирлар яқинлашишлари биланоқ атрофларини ўраб олиб, тўпу тўфангни жўшу хуружга келтириб, тўрт томондан муҳобатсиз отдилар. Кофирларда тоб-тоқат қолмади ва қаттиқ зарба еб қайтдилар... Якшанба кечаси, жумодул-охир ойининг 4-си ё 5-сида кофирлар учта дарвозага одамларни тайинлаб ўрнаштириб, Муғ дарвозасининг чуқур ҳандақини хас-ҳашак билан тўлдириб, шундай кенг жойни бир кечада текис қилиб, ўзларига йўл очиб, тонгни кутиб турдилар. Бу пайт шаҳар аҳолиси ғофил ва ўз аҳлу ҳолига машғул бўлиб, оламдан бехабар уйқуда ётар эди. Ўрусларнинг губернатори ва генерали саҳар пайтида шаҳар дарвозаларига бир минг-икки минг кишини қўйиб, кўпсонли тўда ила Муғ дарвозасида ҳозир бўлди. Тонгда айтилишича, Бухоро амирининг Сирдарё водийсидаги сўнгги таянчи бўлган Жиззах беш кунлик қамалдан сўнг, 18 октябр куни соат 12 да эгалланган. Шу ўринда Қўқон ҳукмдори Худоёрхоннинг ўз ҳомийси — Бухоро амирига нисбатан хоинона иш тутганини муаррихлар тарих саҳифасига қандай ёзиб қўйишгани ҳам диққатга сазовордир. У Хўжанд ва Жиззахда минглаб ватанпарварлар қонини тўккан генерал Романовскийга қуйидаги мазмунда телеграмма йўллайди: «Оқ подшо билан дўстликни сақлаб, турли баҳоқилиш, сулҳ тузиш ва бошқа кўплаб ваколатларга эга бўлади. У иш бошлаш учун 1868 йилнинг 1 январида Тошкентга келгач, худди Черняев каби, Туркистон заминидаги хунрезликларни ниқоблаш мақсадида найрангбозлик йўлига ўтади. Бир гуруҳ тубжой аҳоли вакилларини, Марказий ҳукумат билан келишган ҳолда, Петербургга юборишга қарор қилади. Вакиллар асосан рус давлатига содиқ кишилардан иборат эди. Улар рўйхатига шайхулислом Носир мулло Исоқ (Туркистон шаҳридан), Қози Мирзо Талашпан (Чимкентдан), оқсоқол Амин Суфи Шайхов (Иқон қишлоғидан), дуғлат қабиласининг бийи майор Худойберган (Авлиёотадан), қорақирғиз қабиласининг бийи Бойтиқ Канап (Авлиёотадан), Сайидазимбой Муҳаммадбоев (Тошкентдан), Эшонхон Имомхонов (Тошкентдан), қози калон Юсуфхожа Абдуллахожа (Хўжанддан), оқсоқол Абдуғаффор Саримсоқов (Жиззахдан) ва бошқалар киритилганди.

1867 йил март ойида Петербургга етиб борган вакиллар дабдаба ва иззат-икром билан кутиб олинадилар. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўладилар. Бундай «меҳмондўстлик»дан бош мақсад Россия давлатининг қудратини намойиш қилиш эди. Вакилларни, ҳатто подшо Александр IIнинг ўзи қабул қилади. Улар Туркистон аҳолисининг рус давлати тобелигига олинганлигидан бахтиёрлигини, императорга мангу содиқлигини изҳор этувчи мактубни топширадилар. Мактубга Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Чимкент ва бошқа жойлар оқсоқолларидан 59 киши имзо чекиб, муҳр босганди. Хоиниқдан иборат «вазифа»ни адо этган юзи қора «Туркистон вакиллари»нинг аслида Ватан ва халқ иродасини ифодалашга маънавий ҳуқуқлари йўқ эди.

Ана шу тариқа чор маъмурлари Туркистон Бош губернаторлиги таркибидаги аҳоли гўё ўз «ихтиёри ва истаги» билан рус давлати фуқаролигига ўтганлигини жаҳонга намойиш қилишга уринганлар.

Замонавий ҳарбий қуроллаҳа жиҳатидан русларга баробар келолмаган Бухоро амири фон Кауфманга элчи жўнатиб, сулҳ шартномаси тузишни таклиф этди. Аммо К. П. Кауфман жуда оғир шартлар қўйгач, Музаффар бу шартномани имзоламади. Туркия ҳукуматига, Афғонистонга ва туркманларга элчилар жўнатиб, шошилинч ёрдам сўради. Лекин мусулмонлар халифаси — Туркия султони Абдулазизхон (1830—1876 йиллар) Бухоро амирига ёрдам берадиган аҳволда эмас эди. Чунки Россия таъсирининг Болқон ярим оролига ёйилиши Туркия давлатига хавф солади. Бу орада Бухоро билан Россия ўртасидаги уруш янада кучаяди. Босқинчилар энди бутун диққат-эътиборни Самарқандни истило қилишга қаратадилар.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори,
Рустам ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор,
Поён РАВШАНОВ,
профессор

НАВРЎЗ ТИМСОЛЛАРИ

Боши биринчи бетда

Бу ҳам беллашувни ҳал қилмагач, ёйдан ўқ отишга тушадилар. Шундагина Ёз узил-кесил ғалаба қозонади. Мунозара ниҳоясига етади:

Турли чечаклар очилди,
(Ерга худди) чиройли гиламлар тўшалгандай.
Жаннат ери кўринди,
Совуқ қайтмас бўлиб кетди,
Ҳамма қуш ва қуртлар тирилди...
Энди улар қоронғу инларига кирмайди.

Икки ижрочи ёз ва қиш қиёфасида гавдаланишган, аввалида кураш тушган, сўнг айтишув қилишган, пойгада куч синашган ва пировардида камондан ўқ отишган. Яъни, тўрт пардали майдон томошаси кўрсатилган.

Хуллас, аждодларимизнинг мана шундай тасаввурларидан Ёз палласининг боши ҳисобланмиш Баҳорга алоҳида меҳр кўзи билан қараш ва унинг биринчи кунини беҳад шавқ-завқ ва хурсандчилик билан қарши олиш одатга айланган. Қадимий туркий қавмлар, элатлар бу кунни Йил боши (қозоқларда «Улыс кун», хоразмийларда «тоза кун» деган тушунча ҳам бор) деб атаганлар. Шу билан бирга зардуштийлик даврида истеъмолга кирган «Наврўз» (янги кун) атамаси ҳам ишлатила бошланган. Туркий халқларда ҳамон мазкур байрам ҳам Йил боши, ҳам Наврўз деб келинади.

Наврўз билан боғлиқ кўпгина афсоналар сақланган. Шундай афсоналардан бирида айтилишича, туркларнинг улуғ аждоди Ўғуз ўғли ғорда яшар, қишдан қаттиқ қўрқар ва шу боисдан унга ойлаб емиш ҳозирлаб тайёргарлик кўрар экан. Бир йили қиш қаттиқ келиб, Ўғуз ўғлининг жамғарган озиғи етмай қолибди. У озиқ-овқат топишга мажбур бўлиб ғордан чиқиб қарасаки, қуёш чиқиб ҳаво илиган. Йўлда бораётса, олдидан бир Кўк ёл бўри чиқиб қолибди.

—Ўғуз ўғли, бу илик узилди кунда қаёққа кетаётибсан? Йўл бўлсин? — деб сўрабди бўри. Ўғуз ўғли егулик қидириб кетаётганини айтибди. Шунда бўри дебди:

— Фалон жойга борсанг, бир сурув қўй, бир боғ буғдой, бир тегирмон ва бир чарх бор. Шуларнинг бари сеники. Қўйларни боқиб кўпайтирасан, жунидан чархда ип йигириб, ўзингга кийимлик мато тўқийсан, буғдой донларини ерга сочсанг, нонли бўласан.

Ўғуз ўғли бўри айтган жойга бориб қараса, чиндан ҳам ўша нарсаларнинг ҳаммаси турган эмиш. Ўғуз ўғли қўй боқишни, буғдой экиб деҳқончилик қилишни, ип йигириб, ўзига кийим тикишни ўрганибди. Ҳаёти фаровон бўлиб кетибди. Шу боис Бўри билан учрашган кунини ҳар йили байрам қиладиган бўлибди. Қаҳратон қишдан қутилиб, баҳорга етишган куни экан («Наврўз», Т., 1992, 6—7-бетлар).

Ҳар қандай афсонанинг тагида ҳақиқат яширинган бўлади. Юқоридаги афсонани ҳам шу нуқтаи назардан шарҳлаш мумкин.

Аввало шуни айтиш керакки, туркий халқлар Бўрини ўзларининг аждодлари (тотем) деб билиб, унга топинганлар. Бундан ташқари, қадимий туркий қабилалар овчилик даврида бўри овга омад келтиради деб ҳам билганлар. Ов олдидан, баъзан овдан кейин ҳам ибтидоий жамоа ўртада ёқилган гулхан атрофида айланиб ўйинга тушар экан, ўртада бўри терисини ёпиниб бўри қиёфасига кириб олган тимсолнинг кўнглини олишга ҳаракат қилинган. Бизнинг давримизгача етиб келган «Беш қарсак» ўйинида шундай қадимий халқ санъати изларини кўрамиз.

Иккинчидан, афсонадан маълум бўлишича, Ўғиз ўғли Кўк ёлли Бўри билан айни баҳорнинг биринчи куни учрашган бўлиб, ўша шарофатли кунни ҳар йили байрам қила бошлаган. Бундан келиб чиқадики, туркий халқлар ҳам йил боши ёки Наврўз байрамини жуда қадимги даврлардан нишонлай бошлаганлар.

Хўш, ўша энг қадимги даврларда Туронда Наврўз қандай ўтган. Қандай маросимлар ўтказилгану, қандай томошалар кўрсатилган? Бугунги кунда бундай савол-ларга жавоб бериш қийин, албатта. Лекин бизгача етиб келган баъзи маросимлар, ўйинлар, мусобақалар, томошалар, қўшиқларни ёнма-ён қўйиб, мантиқ ипига терган ҳолда тасаввур қилиш мумкин.

Бизнингча, авваламбор Наврўзда юқорида келтирилган «Қиш ва Ёз мунозараси» маросим-томоша сифатида кўрсатилган. Бўри тимсоли билан боғлиқ айланма ҳаракатли овчилар рақси ҳам ўйналган. Бугина эмас, Эндиликда болаларнинг фаолиятида сақланиб келаётган бир қатор қўшиқ-ўйинлар, чорламалар, айтишмалар борки, улар аслида аждодларимиз томонидан навбаҳорда айтилган, ижро этилган. Улар асосан баҳорда рўй берадиган табиат ҳодисалари билан боғлиқ. Табиатнинг уйғонишида алоҳида ўрин тутувчи Қуёш (офтоб) катта мўъжиза сифатида қабул қилиниб, одамлар яйраб-яшнаб уни мадҳ этганлар.

Илк даврларда янги йилнинг қандай келишини билиш учун майдонга бир эркак билан бир аёлни чиқариб тортишмачоқ ўйнатишган. Шу беллашувда аёл ғолиб чиқса, янги йил хайрли келади деб хурсанд бўлишган. Кейинроқ эркак билан аёлнинг тортишуви оммавий тус олиб бора-бора ўйланиш маросимларига туташиб кетган. Бизнинг кунларимизда ёшлар далада, қўдалар ичкарида бир-бирлари билан арқон тортиш ўйнайдилар. Қайси томон ғолиб келса, ўша томоннинг бир умрга тили узун бўлишини башорат қиладилар.

Бора-бора кураш ҳам, мерганлик ҳам, айтишув ҳам оммавий тус олиб кетган. Уларнинг ёнига асли келиб чиқишига кўра туркий халқларнинг тотеми ҳисобланган Бўри тимсоли билан боғлиқ «Кўпкари» (улоқ) келиб қўшилган.

Шундай қилиб, йил боши — Наврўзнинг шакланиш давридаёқ уч туркум ўйинлар, томошалар, маросимлар майдонга келган. Биринчи туркум — бу табиатнинг уйғониши, Қуёш, Бўри тимсоллари билан боғлиқ ҳолда шакланган хилма-хил ўйинлар, томошалар. Иккинчи туркум — оммавий тус олган кураш, мерганлик, айтишув ва улоқ томошалари. Яна бир туркум томошалар ҳам бўлган. Халқ орасида катта томоша тарзида уюштириладиган Ожуз момо ва Деҳқон бобо, Ёзи ва Зебо, Гул ва Наврўз тимсоллари шундай томошалардан бўлган.

Болтабой ШОДИЕВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институти тадқиқотчиси

«Доимий ҳамроҳ»

«ЗАМОН ВА МАКОН ТАҲЛИЛИ»

Таниқли ҳуқуқшунос ва истеъдодли ёзувчи Файзулла Қиличевнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган «Замон ва макон таҳлили» рисоласи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарининг таҳлилига бағишланган.

Маълумки, бу асар бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги, турли мамлакатларнинг сиёсатшунослари, давлат арбоблари, фуқаролари томонидан қизғин мутолаа қилинаётир. Китобнинг қисқа муддатда бир неча хорижий тилларга таржима қилиниб, ғарбу шарқнинг йирик, тараққий этган мамлакатларида нашр этилгани ана шундан далолат беради.

«Замон ва макон таҳлили» рисоласида муаллиф юртбошимиз асарига ҳуқуқшунос назари билан қараб, таҳлили хулосаларини барчага бирдек тушунарли, турмушдан олинган ҳаётий мисоллар билан қиёслаб, баён этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, профессор, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Акмал Саидов рисолага ёзган сўзбошисида шундай дейди: «Ф. Қиличев йўлбошчимиз асарларини давр эмас, балки халқимизнинг, юртимизнинг бугуни ва келажаги учун қайғурадиган, қизиқадиган ўқувчи учун йиллар мобайнида дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган, юқори сиёсий идрок ва маънавий жасорат асари эканлигини чуқур ҳис қилади ва ўз қараш-ларида муҳим ҳисобланган тарафларини ўқишли тарзда қаламга олади».

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ундан илмий тадқиқотчилар, ҳуқуқ, сиёсатшунослик фани ўқитувчилари, ўқувчи ва талабалар фойдаланишлари мумкин. Сиёсий шарҳловчилар, нотиқлар учун омма ўртасида ўтказиладиган маърузаларда ҳам ушбу рисолани қўллаш тавсия этилади.

«Замон ва макон таҳлили» рисоласи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали кутубхонаси» туркумида нашр этилган. Профессор А. Саидов ушбу нашр учун масъул муҳаррирлик қилган. Рисола 20 минг нусхада чоп этилган. («Замон ва макон таҳлили» рисоласини «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали редакциясидан харид қилишингиз мумкин).

ҲАМЖИҲАТЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН

Боши биринчи бетда

Тадбирга маҳалла оқсоқоллари ҳам келишди. Мактабнинг янги биноси битиш арафасида турибди. Қурувчилар йилнинг биринчи сентябригача уни фойдаланишга топширишни режалаштиришган. Биз оқсоқоллар билан мактаб ҳовлисида шоирнинг ҳайкалини ўрнатишни келишиб олдик. Шунингдек, мактабда ҳар йили Билол Нозим шеърияти кунлари ўтказиб турилади. Мурод Ҳамроев номидаги мактабни ҳам оталиққа олмоқчимиз.

Умуман, режаларимиз кўп. Келажакда уйғур ва ўзбек тилида ҳафталик газета, битта ёшлар эстрада ансамбли ва уйғур миллий ансамбли тузишни ҳам ният қилганмиз.

Бозор иқтисоди туфайли айрим талантли, билимли, келажаги бор ёшларимиз ўзини бозорга уриб кетди. Марказимиз фоллари билан келишиб, уларни илмга қайтариш, иложи бўлса чет элларга ўқишга жўнатишни мўлжаллаяпмиз.

— **Эмин ака, маълумки Уйғур автоном райони Хитой Халқ Республикаси ҳудудида жойлашган. У ердаги, Қозоғистон, Қирғизистон ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги миллатдошларингиз билан борди-келди қилиб турасизларми?**

— Аввало, жаҳондаги уйғурлар билан муносабатларимиз ҳақида гапирсам. Ҳозирги кунда сиз санаб ўтган мамлакатлардан ташқари Афғонистон, Покистон, Миср Араб Республикаси, Туркия, Германия, Франция, ҳатто Америка Қўшма Штатларида ҳам уйғурлар яшашади. Биз иложи борича барчаси билан маданий алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилаяпмиз. Қозоғистон ва Қирғизистондаги миллатдошларимиз билан муносабатларимиз анча изга тушиб кетган. Ғалдаги вазифа бордикелдини яна ҳам кучайтириш.

Маълумки, Алматида уйғур театри бор. Уйғур тилида иккита газета чиқади. Шунингдек, бир нечта ансамбллар ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Мақсадимиз уларни Ўзбекистонга таклиф қилиш. Бундан ташқари, Қозоғистонда уйғур тилида китоб чиқарадиган нашриёт мавжуд. Ўзбекистонда эса уйғур тилида ижод қилувчи ёзувчи ва шоирлар бор. Улар ва ўзбек ёзувчиларининг сара асарларини уйғурчага таржима қилиб, нашр этиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрадиган вақт етди.

Уйғур автоном райони ХХРнинг бир бўлаги. Шундай экан, биз барча алоқаларни шу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси орқали амалга оширмоқчимиз. Ён қўшнимиз, жон қўшнимиз бўлган Хитойдек буюк давлат билан ўзаро тенг, яқин муносабатда бўлиш мамлакатимиз манфаатларига мос келади. Биз икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларнинг янада кенгайиши тарафдоримиз. Элчихона орқали Уйғур автоном районидаги ёзувчилар, санъаткорлар, олимларни Ўзбекистонга таклиф қилиш, учрашувлар ўтказишни мўлжаллаганмиз.

Шунингдек, бизнинг ҳам Уйғур автоном районига бориш, у ердаги дўстларимиз билан учрашиш ниятимиз йўқ эмас. Ишонаманки, бу режаларни тинчлик, ҳамжиҳатлик билан бемалол амалга оширса бўлади.

Б. УММАТОВ суҳбатлашди

УСМОН НОСИРНИНГ СЎНГГИ ҲАЁТИ

Улуғ шоирнинг ижодий мероси аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Модомики, шундай экан, биз бу оташнафас шоиримиз ҳақидаги ҳақиқатни тўлиқ билмоғимиз лозим.

Ушбу мақолани жуда кечикиб ёзяпман. Назаримда, юзхотирчилик, андиша деган сабаблар бор гапни вақтида айтишга тўғаноқ бўлиб келди.

Мен «Тонг юлдузи» (собиқ «Ленин учқуни») газетасида ишлардим. Дарвоқе, уруш йиллари газета вақтинча чиқмай қолганди. Урушдан кейинги биринчи сонини Санжар Тилла — муҳаррир, Сами Абдуқаҳҳор ва камина —бўлим мудирлари, яъни уч киши чиқарган эдик.

Уша кезлари республика комсомол марказий қўмитаси мени Қарши шаҳрига кечки ёшлар мактаблари ишини текшириб келиш вазифаси билан хизмат сафарига жўнатди. Шаҳарни айланиб, кечга яқин вокзал яқинидаги мусофирхонага келсам жой йўқ дейишди.

Қаршида илк бор бўлишим эди. Таниш-билиш ҳам йўқ. Бир сатанг рус аёли келиб:

— Бўш жой қолмабдими? — деб сўради.

— Қолмабди.

— Бизнинг хонада битта каравот бўш, — деди бир оздан кейин. — Агар хоҳласангиз, ўша каравотни сизга тўғрилаттириб беришим мумкин.

— Аёллар хонасида ётмайман, — дедим чўрт кесиб. У қаёққадир гойиб бўлиб, анчадан кейин яна пайдо бўлди.

— Тошкентдан келдингизми?

— Ҳа.

— Обком ихтиёригами?

— Ҳа.

Аёл ичкарига кириб кетиб, биз оз фурсат ўтгач, қайтиб чикди.

— Мен меҳмонхона мудираси билан гаплашдим. Ленинграддан келган бир геолог битта хонани эгаллаб олган. Аммо, ўзи хонада кам бўларкан. Бугун ҳам йўқ. Хоҳласангиз, бир кеча шу хонада тунашингиз мумкин.

Рози бўлишдан бошқа иложим қолмади. Хонани очиб беришди. Ичкарига киргач, кўнглимдан ўтди: анчадан буён сафарда экан, ишқилиб шу кеча келиб қолмасин-да...

— Хайрли кеч! — деб чиқиб кетди мени бошлаб келган жувон. Мен ётдиму қотдим. Эрталаб поезддан тушаётганимда қор аралаш ёмғир ёғаётган эди. Баҳор эдида. Афтидан, бироз аёзлагандим, иситмам ҳам бор эди чоғи.

Тунги соат иккиларда эшик тақиллаб қолди. Қаттиқ уйқуда эканман.

— Ким ў?

— Очинг! Мен келдим! Хона эгасиман!..

Мени бошқа хонага кўчиришди. Иккита каравот бўш турарди.

— Жой бор экан-ку?! — ажабланиб сўрадим.

— Бу хонани, бир катта одам келяпти, ўшанга асраб қўйибмиз. Эртага, сизга бошқа жой берамиз.

Аёл бу гал ҳам «Хайрли кеч» деб чиқиб кетди.

Эрталаб вилоят комсомол қўмитасига бориб, кун бўйи кечки ёшлар мактаби иши билан шуғулландим ва яна оқшом чоғи меҳмонхонага қайтиб келдим. Мени бошқа хонага кўчиришмабди. Жойим ўша-ўша эди. Хонада ГПУ ходими ўтирарди. Мен уни кўрибоқ ҳушёр тортдим. Саломлашдик. Капитан оқ сариқдан келган татар киши эди. Ўзбек тилида равон сўзларди. Суҳбат давомида шу нарса аён бўлдики, у аллақачон менинг кимлигимни билиб олган эди. Бу нарса мени ажаблантирмаса-да, тилга эрк бермаслик зарурлигини ҳис қилдим. Ҳеч ким улар билан пачакилашмасди. Улар фақат Лаврентий Павлович Берия деган жаллодга итоат этишарди. Берия эса, ўз навбатида, фақат ҳокими мутлақ Сталинга бўйсунарди, холос.

Очиғини айтсам, капитан мен билан жуда самимий суҳбатлашди. Суҳбатимиз айланиб Усмон Носирга тақалди.

— Уни танирмидингиз? —деб қўққисдан сўраб қолди.

— Кимни?

— Усмон Носирни-да.

— Йўқ! Кўрган эмасман. Лекин тўқ пуштиранг муқовали «Меҳрим» деган китобини ўқиганман... Уни «халқ душмани» деб ҳибсга олишгач, тўпламни яна қайта синчиклаб ўқиб чиқдим. Аммо, биронта ҳам чатоқ сатрни (яъни шўрога қарши) тополмадим. Нима сабабдан қамаганликлари сирини шу вақтга қадар тушунолмайман...

Орага жимлик чўкди. Мен қўлимдаги газетанинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, чурқ этмай ўтиравердим.

— Унинг қаердалигини биласизми?

— Йўғ-а...

— Колимада... Дунёнинг нариги чеккасида... Борса-келмасда... Номаълум бир маҳбус қўшиқ тўқиган:

Что названа чудной планетой.
Сойдешь понемногу с ума,
Оттуда возврата уж нету.

Бу сатрлар ўша қўшиқдан.

— Айтганингиздай, борса-келмас жойлар экан-да... — дедим мен. Капитан «на ҳа, на ҳу» деди. Индамади. Борабора суҳбатимиз чуқурлашди.

— Усмон Носир иккита асар — шеърий роман ҳамда достон ёзган, — деди капитан. — Асарларини Москвага-Сталинга юборган. Сталин Ўзбекистонга жўнатирган, ўқиб фикрларини айтишсин деб. Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода ва мен — уч киши комиссия аъзоси эдик. Мен сизга очиғини айтсам, адабий асарни қанчалик тушунардим дейсиз...

Ўша йилларда Сталин қатағони айни авжида эди, «халқ душмани» деган оғир айблов билан ҳибсга олиниб, олис Колимада қамоқда ётган одамнинг асарини ўқиб, ижобий фикр айтишга, афтидан ҳеч кимнинг ҳадди сиғмаган, ёвуз салтанат ғазабига йўлиқишдан қўрқишган.

Тошкентга қайтгач, мен бу

Тарих ва тақдир

гапларни оқизмай-томизмай Ўткир Рашидга (Усмон Носирнинг куёви) айтиб бердим. Ўткир ака индамади. Яна бир-икки кишига айтдим, холос. Улар ҳам бир нарса дейишмади. Нима ҳам дейишарди. Қалтис замонлар эди.

Орадан икки йилдан мўлроқ вақт ўтди. Мен ҳарбий алоқачи сифатида уч ойлик йигинга чақирилдим. Султон Акбарий ҳам бирга эди. Бир куни шу ерда тўсатдан капитанни учратиб қолдим. У мени уйига таклиф қилди. «Ҳов, чеккадаги уй меники, вақтингиз бўлганда келинг», деди кўчанинг ўнг тарафидаги бир қаватли қатор иморатларга ишора қилиб. Бироқ, унинг ҳузурига киролмадим. Вақт тополмадим.

Капитан бу ерда, илк бор кўрганимдек ГПУ либосида эмас, учувчи либосида эди... Мен уни бошқа учратмадим. Очиғини айтсам, унинг исм-фамилиясини сўрашга ботинмадим ҳам, бироз чўчиган бўлсам эҳтимол.

Божам Фатҳиддин Фазлиддинов 1951 йили ГПУ мактабини битириб лейтенант унвонига эга бўлди ва Магадан вилоятига — Колимага хизматга жўнатилди. Рафиқаси Январахон (биз қариндошлар Анюсахон деймиз) ҳам бирга кетди. Улар олисда бўлганликлари учун ҳар икки йилда бир марта таътилга чиқишарди. Бир сафар Тошкентга келишганда Фатҳиддин мендан сўради.

— Усмон ака деган ёзувчи борми?

— Бор! Усмон Носир. Шоир у.

— Ўша ерда. Биз турган Ягодная қишлоғида. Маҳбуслар лагерида.

— Шаҳардан олисдами? — Мен Магаданни назарда тутиб сўрадим.

— Эҳ-ҳе, Магадандан 512 чақирим нарида, шимолда. У ерларни Колима дейишади.

— Аҳволи нечук?

— Маҳбуснинг аҳволи қандай бўларди... Юрибди кўп қатори...

— Шароит оғирми?

— Енгил эмас. Тонг ёришгандан кун қорайгунча ер қазиб, тупроқ ташишади. У ер олтин кони... Назорат кучли. Темир интизом ўрнатилган...

— Ҳаммаёқ тиканли симлар билан ўраб ташлангандир-да?

— Йўқ. У ерларда ҳеч қандай тиканли сим тортилмайди. Лагерлар — очиқда.

— Маҳбуслар қочиб кетмайдими?

— Қочмайди. Башарти, қочгудай бўлса, ўзини ўзи ўлимга маҳкум этади. Сибир тайгаси бепоён. Йўл йўқ. Тезда адашади. Сўнг ё очдан ўлади ёки бирон йиртқичга ем бўлади. Ўрмонда айиқ ҳам, бўрилар галаси ҳам сероб. Йўлбарс ҳам бор. У йиртқичлардан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. На хутор бор, на бирон қишлоқ. Қочганларнинг биронтаси манзилга етганмас...

— Фатҳиддин, сиз у одамга ёрдам беринг. Жуда зўр шоир. Ўзи ўлиб кетса ҳам, шеърлари абадий яшайди...

— Бизни ҳам назорат қилишади. Бирон маҳбусга сал-пал ёндашсангиз бас, сизга ишонмай, дарров ишдан четлатишади. Ишдан четлатиш у ёқда турсин, ҳибсга олиб жазолашлари ҳам ҳеч гап эмас.

— Тушундим... Сизларга ҳам осон эмас экан... Имкон борича ёрдам беринг. Янаги келишингизда суратини ола келсангиз зўр иш қилган бўлардингиз-да...

Фатҳиддин индамади. Бошини ликиллатиб қўйди, холос.

1966 йили Колимада ўн беш йил хизмат қилиб, ўша ёқда туғилган уч ўғли: Камолиддин — Вова, Жамолиддин — Женя, Муҳиддин — Мишалар билан божам бутунлай қайтиб келди. Усмон Носир ҳақида сўраганимда «У ўлди» деди. Бу хабарни эшитиш оғир эди, албатта. Қўлимни очиб Усмон Носир учун тиловат қилдим. Анчадан сўнг сўрадим:

— Ҳеч бўлмаса, қабрининг суратини олиб келмабсиз-да.

— У ерларда қабр бўлмайди. Тўртта-бештасини битта чуқурга ташлаб, устига тупроқ тортворишади...

Божам бундан 29 йил муқаддам — 4 май куни Шайхонтоҳурдаги бекатда икки трамвай орасида қолиб, фожиали ҳалок бўлди. Ўғиллари ўсиб-улғайиб, аллақачон уйли-жойли, оилали бўлишган. Январахон барҳаётлар, ёшлари етмишдан ошган. «Марказ-5»даги 57-уйда истиқомат қилади. Бироқ маҳбуслар ҳаёти билан умуман қизиқмаган эканлар. Усмон Носир ҳақида ҳеч нарса билмайди.

* * *

Қайси йилдаги эсимда йўқ, марғилонлик Иброҳимжон Довудов («Ватан» атлас артелининг техноруги) Тошкентдан йигирма кишини, шу жумладан, бизни ҳам оиламиз билан тўйга таклиф этди. Бордик. Тўй уч кун давом этди. Юсуфжон қизиқ, Жўрахон ака, Маъмуржон ака, Охунжон қизиқ ва яна талай санъаткорлар хизматда бўлишди. Мукаррама Турғунбоева (ўзлари қатнашмадилар) гуруҳи, Ғанижон Тошматов бошчилигидаги санъаткорлар тунги соат ўн иккиларда — бошқа жойда концерт бериб бўлгач келишиб, то соат тўртгача тўйни қизитишди. Ўша тўйда, эсимда — марғилонликлар ёш хонанда Иброҳимжон Исҳоқовга Жўрахон Султоновнинг, Таваккал Қодировга эса Маъмуржон Ўзоқовнинг оқ фотиҳасини олиб беришди. Тошкентдан тўйга борганлар орасида собиқ «Коммунист» журналининг муҳаррири Муҳаммаджон Турсунов ҳам бор эди. Муҳаммаджон ака Ғилан иккаламиз уч кеча тўйбошининг ён қўшниси Ҳожи аканинг уйида тунадик.

Тўртинчи куни тўй эгаси бизни Шоҳимардонга таклиф қилди. Қолганлар Тошкентга қайтишди. Қайнонам Шоҳимардонда Тожихон Шодиева билан учрашиб қолдилар. Хайринисо аям Тожихон опа билан қиз ўртоқ эканлар. Тожихон опа Шодиева 25 йил маҳбусликни бошидан кечирган.

— Тожи, манови йигит куёвим бўлади, — деб қайнонам мени таништирди. Биринчи куни индамадим, мавриди бўлмади. Эртасига, ўрни билан Усмон Носирдан гап очдик. Тожихон опа узоқ вақт индамай ғамгин қиёфага кирди. Сўнг Усмон Носир ҳақида анча-мунча армонли гапларни айтиб, охири шундай деди.

— ... Кимдир, Ўзбекистондан қовун олиб келиб қолди. Сўйиб едик-да, каттароқ бир тилигини мен Усмонга олиб бордим — Ватандан келган тансиқ насиба деб. «Ҳозир мумкинмас», дейишди. Усмон лагерда ёзган асарлари рўёбга чиқмагач ва умуман инсоний ҳақ-ҳуқуқи топталгач, асаб касаллигини орттирган эди. «Нариги ёққа ўтиб, даричадан қарай қолинг» дейишди. Даричадан ичкарига боқдим. Усмон ўртадаги устун ёнида, боши бироз эгик, кийимсиз ҳолда типпатик турарди. Кўрдиму орқамга қайтдим. «Ўзига келса, бериб қўярсизлар» — охирги сўзим шу бўлди. Орадан уч кун ўтгач, Усмон ҳаётдан кўз юмди. Бечора ўша ерда — қаҳратон совуқ ва даҳшатли бўронлар макони бўлмиш бадбахт Колимада — Ватандан олисда бандаликни бажо келтирди. Ачиниб хун-хун йигладим...

Усмон Носирнинг сўнгги ҳаёти, сўнгги қисмати, фожиаси ана шундай. Бор ҳақиқат шу! Унинг мўътабар хоки Кемеровода эмас, Ягодная қишлоғида ётибди.

Озгина изоҳ: маҳбуслар этапма-этап олиб кетилаётганда Сибирнинг Кемерево шаҳридан ўтган. Усмон Носир ҳам. Бироқ Усмон Носир у ерга бошқа қайтиб келмаган.

* * *

Сўнгги сўз: Ушбу мақолада келтирилган фикрлар юзасидан мулоҳазалар бўлса, марҳамат, мунозарага тайёрман.

Мавлон ИКРОМ

ҲАМКОРИМИЗ ХОТИРАСИ

Ёднома

Таниқли адабиётшунос ва истеъдодли мунаққид Ҳомил Ёқубов орамиздан абадий кетди.

Ҳомил Ёқубов маданиятимиз майдонига мураккаб тарихий шароитда кириб келди. Ўзбек халқининг кўп асрли маданий ва адабий анъаналари янги инқилобий мафкура томонидан хорланиб, улоқтирилиб ташлаб, қадимий маданият харобалари устида янги маданият ва адабиёт юзага келаётган бир пайтда фаолият бошлаб, маданиятимизнинг сақланиши ва ривожланиши учун курашаётган ёш адабий авлод асрий анъаналарининг қадрига етадиган ва янги даврда унга мадад бера оладиган, билагон адабиётшуносларга муҳтож эди. Ҳомил Ёқубов янги адабиётга мадад бера олишга қодир мухлислардан бири бўлиб чиқди. Ҳомил Ёқубов Фитрат, Отажон Ҳошим, Абдураҳмон Саъдий, Миён Бузрук, Олим Шарафитдинов, Ҳоди Зарифий ва Буюк Каримов билан бир қаторда, уларнинг ёш замондоши ва ҳамкасби сифатида янги адабиётимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшди.

Танқидчининг бош хизмати янги истеъдодларни кўра билиш ва уларга мадад беришдир. Ҳомил Ёқубов Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир ва бошқа истеъдодларнинг қадрига илк маротаба етган ва уларнинг ижодига мадад берган адабиётшуносларидан бири бўлди.

Ҳомил Ёқубов айрим ёзувчилар ижодининг таҳлили билангина чекланмасдан, умумадабий жараённинг хосиятлари ва қонунларини ўрганиш билан ҳам жиддий шуғулланди ва адабиётимизнинг йирик муаммоларига бағишланган илмий ишлар ҳам яратди. У кандидатлик диссертациясида классик адабиётимизнинг йирик намояндаси Турдининг ижоди мисолида ўтмиш адабий меросга муносабат йўллари кўрсатиб берди. Унинг жорий адабиётга доир ишларида янги ўзбек адабиётининг долзарб масалалари ёритилган эди.

Ҳомил Ёқубовнинг классик адабиётнинг кўзга кўринган вакиллари ижодига бағишланган назарий ишлари янги ўзбек адабиётининг мазмундорлик ва бадиийлик, халқчиллик ва замонавийлик анъаналарининг шаклланишида ўз ижобий хизматини ўтади. Ҳомил Ёқубовнинг «Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли», «Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Ҳаёти ва ижоди», «Ғафур Ғулом», «А.Қаҳҳор новеллалари» каби асарлари, «Ойбек ижодида ғоявийлик ва маҳорат» мавзуидаги докторлик диссертацияси ўзбек адабиётшунослигига қўшилган катта ҳисса бўлиб қолди.

Ҳомил Ёқубовнинг адабиётшунослик ва танқидчилик соҳасидаги ишлари халқимизнинг бир неча авлоди тафаккурининг шаклланишида катта ўрин тутади. Ҳомил Ёқубов Ўзбекистон Фанлар академияси доирасида ва ундан ташқарида олий ва ўрта мактаблар учун дарсликлар, қўлланмалар, методик кўрсатмалар яратишда фаол иштирок этди. У Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида ва Тошкент Давлат университетида кафедра бошлиғи ва ўқитувчи сифатида ишлаб, жуда кўп шогирдлар тайёрлади. Фанлар академиясининг Тил ва адабиёти институтида узоқ муддат бўлим мудири бўлиб ишлаганида ҳам Ҳомил Ёқубов кўпгина фан номзодлари етиштирди.

Кекса ва ёш олимлар адабиётимизнинг сонсиз-саноқсиз мухлислари Ҳомил Ёқубовни обрўли устод, меҳрибон дўст ва бағри кенг инсон сифатида яхши танийдилар.

Хизмат кўрсатган фан арбоби ва Беруний номли мукофот совриндори унвонлари унинг халқ олдидаги хизматини лойиқ равишда ифода этади. Худди заминга сингиб кетиб, самараси деҳқон меҳнатининг маҳсулида намоён бўладиган сувдек адабиётшунос олим ва истеъдодли танқидчининг меҳнати ҳам адабиётнинг равнақида зим-зиё бўлиб кетади. Аммо адабиётимиз равнақ топган сари, унинг ютуқлари кўпайган сари янги авлодлар унинг ривожига ҳисса қўшганларни миннатдорлик билан эслайверадилар.

Иззат СУЛТОН

АЙНИЙНИ УНУТМАЙЛИК

Қуюнчак газетхонлардан хатлар

Самарқандда ўқиганлигим боис бу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарга тез-тез бориб тураман. Табиийки, ҳар борганимда қадимий обидаларни, музейларни қайта-қайта зиёрат қиламан. Яқинда шаҳарда бўлиб, ўзбек адабиётининг атоқли вакили, зуллисонайн ёзувчи Садриддин Айний уй-музейини зиёрат қилмоқчи бўлдим. Лекин ярим очиқ нақшинкор дарвозадан ичкари кирдиму ҳайрон қолдим. Неча-неча буюклар хоки пойи етган ҳовли бир аҳволда эди. Ёш бир ўспирин қаршимга чиқиб: «Музей ишламайди», деди...

1967 йил 19 майда Ўзбекистон ҳукумати Айний уй-музейини ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарган эди. Қисқа вақтда уй-музейни миллиондан ортиқ киши зиёрат қилган, зиёратчилар орасида 37 мамлакатдан келган меҳмонлар бор эди. Энди эса...

1978 йили «Айний замондошлари хотирасида» номли китоб чоп этилган эди. Ундан 36 нафар адибнинг сафдошлари, устоз ва шогирдларининг қалб сўзлари, мақолалари, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Лоҳутий, Умарий, Мирмуҳсин, Омон Мухторнинг шеърий бағишловлари ва Мирзо Турсунзоданинг достони ўрин олган.

Мен бу ўринда шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон халқларининг маънавиятини юксалтиришда, етук, маънан баркамол наслларни тарбиялашда ҳовли-музейларнинг, уй-музейларнинг ўрни катта. Буюклар ҳаётини ўрганиш, уларнинг ижодхоналари, турмуш тарзини кўриш, билиш одамни комиллик сари етаклайди.

Раҳимберди ТОШМАТОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Фарғона вилояти, Сўх туманидаги Саъдий Шерозий номидаги мактаб ўқитувчиси Р.Тошматовнинг мактубида билдирилган ташвишли фикрлар Самарқанд шаҳар ҳокимиятидаги масъул ходимларга газетамиз орқали етиб боради, деб умид қиламиз. Яна шуни ҳам эслатиб қўйишни лозим деб биламизки, 1998 йил 15 апрелда устоз адиб Садриддин Айний таваллудига 120 йил тўлади. Ажаб эмас, шаҳар ҳокимиятидаги масъул биродарлар халқларимизнинг азиз фарзанди хотираси ҳурмати адиб ҳовли-музейига, вақт топиб, бир ташриф буюрсалар ва бу ҳақда бир энлик хат орқали бизни ҳам хабардор этсалар.

ТИЛШУНОСЛИГИМИЗ ТАКОМИЛИ ЙЎЛИДА

Жаҳон тилшунослигининг такомилига улкан ҳисса қўшган буюк олим В. Гумбольдт: «Халқ тили ҳамиша миллий руҳ билан чамбарчас боғланган ҳолда бўлади», деб айтган эди. Дарҳақиқат, тилда ҳар бир миллатнинг орзу-умидлари, интилишлари, шодликлари, қайғу ва аламлари ўз аксини топган бўлади.

Яқин тарихимизда халқимизнинг ўз мустақиллиги, истиқлоли учун бошланган курашининг асосий шиорларидан бири тил мустақиллиги бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Бунинг пировард натижасида она тилимизга Давлат тили мақоми берилдики, халқимизга, келажак авлодларимизга бундан келадиган фойдани ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Ер юзидаги барча тиллар тенг, бир тил иккинчисидан бой ёки камбағал эмас. Ҳамма гап ўша тилнинг ишлатилишида. Ишлатилмай қўйса, сопи олтин пичоқ ҳам занглагани каби, қайси тилга эҳтиёж кам тушса, ўша тил ғариблик касб этаверади, маълум маънода «занглайди».

Мустақиллик ўзбек тилини мана шу аянчли қисматдан — таназзулдан сақлаб қолди. Эндиликда тилимиз ўзининг тараққиёт йўлига қўйилган сунъий тўсиқларни ёриб ўтиб, жаҳон майдонига чиқмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳаётимизга тадбиқ этилиши, илм-фан ва маданиятга катта эътибор билан қаралиши мактабларимизда, олий ўқув юртларимизда она тили грамматикасининг назарий ва амалий томонларини пухта ишлаб чиқишимиз даркорлигини талаб қилмоқда.

Хайриятки, мустақиллик туфайли бу борада дастлабки, айтиш мумкинки, муносиб ютуқларга эриша бошладик. Н. Маҳмудов ва А. Нурмоновнинг «Ўқитувчи» нашриётида нашр қилинган «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис)» асари ана шундай илмий ишлардан биридир.

Мазкур монография ўзининг том маъноси билан ўзбек тилининг энг долзарб масалаларидан бири саналган синтаксис назариясига бағишланган бўлиб, шу кунгача мазкур йўналишда нашр қилинган барча асарлардан фарқ қилади. Илмийлиги, изчиллиги, фактлардаги системалилик монографиянинг юқори савияда ёзилганидан далолат беради.

Узоқ йиллар мобайнида В. Гумбольдт, Ф. де Соссюр, Л. Бреал, А. Майе, Ф. Фортунатов, И. А. Бодуэн де Куртане, Н. Крушевский сингари закий олимлар томонидан кашф этилган ва тинимсиз равишда ривожлантирилган тизим лингвистикаси ўзбек тилшунослигида эътибордан четда қолди. Амалий ва назарий грамматикамизда бир ёқламалик, субъективизм катта ўринни эгаллади. Сўнгги вақтларда бу масалага эътибор кучайди ва унинг самаралари юзага кела бошлади. Н. Маҳмудов ва А. Нурмоновнинг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» монографияси бунга мисол бўла олади. Асар бошидан охиригача тизим тилшунослиги ютуқларига таянган.

Монографиянинг кириш қисмида муаллифлар томонидан тўғри таъкидланганидек, «синтаксис бир томонидан сўз шаклларининг боғланиш қоидаларини, иккинчи томондан эса бу қоидаларни рўёбга чиқарадиган бир бутунликни — гапни ўрганади».

Ифода имкониятининг ниҳоятда кенглиги, майда элементларга ажралиш хусусияти, кўп сатҳлилиги, сатҳлараро поғонаси муносабатларнинг бўлиши нуқтаи назаридан тилдаги ҳар бир бўлим, айниқса, синтаксис устида чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши она тилимиз ривожи учун янгидан-янги йўлларни очиб бериши муқаррар. Китоб муаллифлари худди мана шу ғояга суянган ҳолда синтактик сатҳни ҳамма кўламлари бўйича «қадамлаб» чиққанлар.

Синтаксисга бағишланган аксарият илмий ишларда шакл маънодан узиб олинган бўлиб, лисоний бирликларнинг ўзи ифодалаётган объектив борлиқ билан муносабати масаласига ҳозирга қадар эътибор берилмасдан келинарди. Н. Маҳмудов ва А. Нурмонов бугунги ўзбек тилшунослигининг забардаст олимлари сифатида тилимиздаги мана шу бўшлиқни ҳақиқий илмий мушоҳадалар, фактлар билан тўлдиришга уриниб кўрганлар.

Улар томонидан таъкидланган синтактик бирликларнинг уч томони: синтактика, семантика ва прагматика биз бугун «ҳазм» қилишимиз жуда зарур бўлган лингвистик тушунчалардир. Буларсиз ўзбек тили синтаксисининг назарий масалаларини ижобий ва айни пайтда, замон талаблари асосида тўғри ҳал этиш мумкин эмас.

Зеро, **синтактика** белгининг белги билан, **семантика** белгининг борлиқ объекти билан, **прагматика** белгининг сўзловчи билан муносабати ҳақидаги таълимот сифатида ғарб ва рус тилшунослигида аллақачонлар тан олинган. Н. Маҳмудов ва А. Нурмоновнинг илмий асаридаги бош тезис худди мана шу нарсага асосланганлиги билан муҳимдир.

Муаллифлар етук олимлар сифатида ғарб тилшунослигининг энг сўнгги ютуқларидан атрофлича бохабардирлар. Шунинг учун ҳали улар синтактик бирликларга, аввало, тил ичидаги ёпиқ тизим сифатида ёндашганлар, унинг ҳар бир элементини, улар орасидаги маъновий муносабатларни ипидан игнасигача ўзгача бир лисоний мушоҳада билан таҳлил қилишга уринганлар.

Синтактик бирликларнинг синтагматик ва парадигматик муносабатлари аниқ ва ёрқин мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб берилган.

Бу асар бутунича синтаксисга бағишланган бўлишига қарамай, унинг ичида фонетика, лексика, морфология бўлимларига алоқадор қимматли маълумотлар учрайди. Ҳатто этикетнинг «нутқий одат», прессуппозициянинг «тагбилим», координациянинг «мувофиқлашув» деб таржима қилинишида атамашунослигимизнинг беихтиёр равишда ечилмаган муаммолари ҳал этилаётганлигини кузатиш мумкин.

Умуман олганда, Н. Маҳмудов ва А. Нурмоновнинг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» деб номланган илмий иши актуаллиги, илмийлиги, изчиллиги янги бир йўналишнинг бошланиши учун туртки бўлди, десак янглишмаймиз.

А. ҲОЖИЕВ,
ЎзР ФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори,
А. СОБИРОВ,
филология фанлари номзоди

«СЕҲРЛИ КЎЗОЙНАК»

«Доимий ҳамроҳ»

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ
УЙҚУ КЕЛМАС КЕЧАЛАР
Роман
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти Тошкент — 1998

Таниқли ёзувчи ва драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан ўн беш минг нусхада чоп этилган «Уйқу келмас кечалар» номли романи ўзбек оиласи, унинг турмуш тарзи, энг муҳими, оиладай улуғ ва муҳташам қасрни юксак тутиб турувчи устунлар — вафо ва садоқат, бирдамлик ва аҳиллик ҳақида ҳикоя қилади.

Табиатан жамики мавжудот жуфт-жуфт яратилган экан, жуфт бўлиб умр кечириш ҳам табиат тақозосидир. Оилага уйғунлашиб, оила бўлиб турмуш кечириш фақат Одам наслига хосдир. Жамиятнинг бирламчи уюшмаси ҳам оиладир. Агар оила тинч-тотув бўлса — олам гулистон, яшаш, умргузаронлик завқли кечади. Акс ҳолда эса турмуш азоб-уқубатга айланади.

Уйқу келмас кечалар!.. Ҳар бир инсон умри мобайнида шундай руҳий ҳолатлар кечиши тайин. Висолда ҳам, айрилиқда ҳам, тўю азада ҳам, бошга мусибат тушганда, вафосизликка учраганда ҳам, садоқатдан боши осмонга етганда ҳам, иш юришмаганда ёки илҳом келиб завқу сурурдан энтиккандa ҳам инсон тунларни бедор ўтказади. Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Уйқу келмас кечалар» деб номланган янги романида ана шундай кўзни уйқу тарк этган кечалар тасвирланади. Асарда оила ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида, ишқ-муҳаббат, садоқат, вафо ҳақида сўз боради. Роман бош қаҳрамон Фахри Камолнинг севгилиси Ёқутхонга ёзган мактуби шаклида яратилган.

Нашрга Г. Зокирова муҳаррирлик қилган. Китобни мусаввир Р. Зуфаров безаган.

«СЕҲРЛИ КЎЗОЙНАК»

Абдусаттор Ҳотамовнинг «Наврўз» нашриётида чоп

этилган «Сеҳрли кўзойнак» китобида бир туркум ҳикоялари жамланган. Ёзувчининг илк машқлари 60-йилларнинг охирларида матбуотимизда эълон қилина бошлаган эди. Ҳозиргача унинг «Эзгуликнинг туғилиши», «Томошабинсиз дунё», «Эркин қуш» каби бир неча насрий китоблари нашр этилган.

Ёзувчининг ушбу тўпламига кирган ҳикоялари болаликнинг ўзига хос дунёси, уларнинг меҳрибон бува ва бувиларининг донишмандлигига қизиқиши, умуман, эзгулик ҳақидадир. Бу жиҳатдан, айниқса, «Сеҳрли кўзойнак», «Орзу дарахти», «Бобом топган олтинлар» ҳикоялари алоҳида ажралиб туради. Жумладан, «Орзу дарахти» ҳикоясида шундай воқеа тасвирланади: кашшофлар уйига келган бола учувчи бўлишни истайди. Қолаверса, кўкда парвоз қилиш юрагига тугган орзуси. Бунинг учун у, эшитишича, баланд тоғ чўққисидаги Орзу дарахтини топиши керак. Бола ниҳоятда кўп қийинчиликларга бардош бериб, ўша дарахтни топади. Бироқ ниятига етолмайди. Мақсадига эришиш учун илм олиши зарурлигини, ана шундагина афсона ҳақиқатга айланишини тушунади. Орзу дарахти ҳар томонлама мукаммаллик, комиллик тимсоли бўлиб қолади. Орадан йиллар ўтиб, бола ниятига етади, яъни улкан ҳаво кемасида парвоз қилишга муваффақ бўлади.

Дарҳақиқат, болалик — подшолик. Бироқ болалик инсон умрининг шундай босқичики, болаликда олинган тарбия инсон ҳаётининг кейинги босқичларига асос бўлиб хизмат қилади. Буни ҳикояларида таъсирчан акс эттиришга ҳаракат қилган муаллиф ўзининг янги тўпламида китобхонни олис, беғубор болалик томон етаклайди. Фарзандларимизни улуғ ниятлар билан яшашга, авлодларимизнинг энг яхши анъаналарини давом эттиришга даъват қилади.

«Сеҳрли кўзойнак» тўплами 5000 нусхада чоп этилган. Муҳаррир Т. Эшбек. Китобга ёзувчи Оқилжон Ҳусанов сўнгсўз ёзган.

«БАХТИЁР ҚУШЛАР»

Яқинда Чулпон нашриёти истеъдодли шоира Замира Эгамбердиеванинг «Бахтиёр қушлар» мажмуасини босмадан чиқарди. Китобчадан шоиранинг усмирларга аталган ажиб шеърлари, кўнгил кечинмалари ўрин олган. Шоиранинг лирик қаҳрамони — ер фарзандига ҳатто тоғлар «тахтдан тушган каби тиз чўкса-да» у азиз жонини она-Ватан тупроғига тортиқ этишга тайёр:

Тераклари бўйдор,
узундир,
Тупроғига тортикдир
жоним.
Ишқ ўтида ёнган
Мажнундир,
Толлари ҳам
Ўзбекистоннинг.

Шоира, қанчалик масъум бўлмасин, кўнгил магрур бўлишини истайди. У кўнгилни «Сен менинг фариштам, файзимсан, кўнглим», дея ардоқлайди. Шеърларни ўқиркан, муҳаббат ҳақида битилган сатрлар гулдек тароватли, айни вақтда «Ҳар гулнинг иси бўлак», деганларидай, ўзгача ташбеҳларга бой эканига амин бўлдик:

Туйғуларим
тонгдек муаззам,
Ишқ қалбимда
уфурган гулдир.

Китобчадан шоиранинг «Кўнгилдан кўчирмалар»и ҳам ўрин олган. Улар сизни ўйлашга, мушоҳада қилишга чорлайди: «Одам бетобланганда чиройли бўлиб кетади, негадир. Умуман, меҳрга, шафқатга муҳтож кишилар кўзга яқин бўлишади. Бунинг сабаби нимайкин-а!..», «Ишга кетаётсам, гуллай деб турган дарахтнинг каттагина шохини кесиб ташлашибди. Битта кичкина новдани қўлимга олиб тикилсам, куртак орасидан йўргаклаб қўйилган чақалоқнинг бошчаси кўриниб тургандек бўлди. Сесканиб кетдим» каби фикрлар катта-ю кичикни ўйлашга, ҳар бир ишни ақлга таяниб ҳал қилишга даъват этиши билан аҳамиятлидир.

Биз истардикки, ҳурматли китобхон, «Бахтиёр қушлар» Сизгача учиб етиб борсин, Сизг севинч ва ҳаяжон бахш этсин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкентдаги 274-мактаб муаллимаси



Наримон ОРИФЖОНОВ

ИСТИҚЛОЛ

Юрак, талпин самоларга
бўлиб каптар қанот қоққил,
Қулоқ тут хуш садоларга,
Жаҳон аҳлига бир боққил,
Бугун ўзбек элин қутлар
Сен ҳам озод диёрсан, деб,
Ватандан мосуволарга
атаб бир жуфт чироқ ёққил.
Адолат истаб аждодлар
дили садпора бўлмишлар,
У чоғ дорга, қиличларга
кишанга ёра бўлмишлар,
Юраклар пок, тилаклар пок,
кўнгиллар эрк тилаб эрди,
Таассуфки, ёруғ кунга
етолмай зора бўлмишлар.
Замон келмиш мана ҳурлик,
ўзбегим исми ёд энди,
Форобийлар, Торобийлар,
Темурлар руҳи шод энди,
Бугун кўк узра нур сочмиш
Улуғбек излаган юлдуз,
Ғазал мулкини султони
Қувонгай бир кушод энди.
Муборакбод этар юртим
ажам бирла араблар ҳам,
Бизингдек эркка интилган,
эзилган эрксталаблар ҳам,
Ҳақиқат бор: адолатнинг
қуёши порлади ёрқин,
Уни алқаб чапак чалмиш
боболар ҳам, ҳалафлар ҳам.
Шукрларким, эшитдик биз
эмин эллар қарорини,
Қувон қалбим, жаҳон қутлар
азиз ўзбек диёрини,
Само тордир нидо қилсанг,
саболар бўлса ҳам ҳамроз,
Сочиб солган севинчингдан,
дилингда неки борини!

ДУНЁ ЭКАН...

Дунё шундай экан
гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд,
Таниш кўпаяди
келса омадинг.
Маҳзун кунларингни
қиласан унут,
Меҳмон кутиш бўлар
фақат одатинг.
Дунё шундай экан,
дўстим, ёдда тут,
Омадинг кетса-чи
бир куни келиб,
Бошинг узра қўнар
бўлсами булут,
Уз соянг тарк этар
биринчи бўлиб.

Маҳмуд ТОИРОВ

КЎЗИМ КУРТАГИДА ОЧИЛГАН ГУЛЛАР

КЎРМАНГИЗ

Тоза тилакларга бешикдир дунё,
Очолсанг жаннатга эшикдир дунё.
Ҳофизин ахтарган кўшикдир дунё,
Бир калом айтайин, камлик кўрмангиз,
Сиз ҳам бизни ғоҳ ғамлик кўрмангиз.

Қуёшнинг қатраси ерни ёритар,
Бир чимдим меҳрингиз дардни аритар,
Қувонч ёшартирар, қайғу қаритар,
Кувонч қувиб юрсин, ҳеч ғам кўрмангиз,
Қайғудан қартайган одам кўрмангиз.

Ситамнинг салмоғи оғирдир тошдан,
Қилич хазар қилар эгилган бошдан,
Оқибат ахтарманг совиган ошдан,
Илло, лукмангизда курмак кўрмангиз,
Дарёга дил очинг, кўлмак кўрмангиз.

Ўлгунча вафоли бўлурми, жўранг,
Тегмасалар қонаб кетмайди яранг,
Чумоли бир донни топганда аранг,
Чумчуқлар жилмайса хандон урмангиз,
Дунёда ҳеч жонни нолон кўрмангиз.

Болтанинг болиши қассоб кундаси,
Ой асли кўкнингмас, туннинг хандаси,
Ақлнинг чиройи — гапнинг лўндаси,
Кўнгил осмонида туман кўрмангиз,
Яхшилар ичинда ёмон кўрмангиз.

ЮРАГИМДА ЁНГАН ЎТ

Юрагимда ёнган ўт, ўзимни ёқ, ўзимни,
Нокасдан нон сўрасам сўзимни ёқ, сўзимни.
Номардга тиз чўкканда тизимни ёқ, тизимни,
Юрагимда ёнган ўт, ўзимни ёқ, ўзимни

Ўт ичра омон қолган шайтонга ошно қилма,
Ҳақни ҳимоя қилмас кўзимни рўшно қилма.
Ё раб, ўзинг паноҳим, юзимни қаро қилма,
Агар бири қародир, юзимни ёқ, юзимни.

Тирикман эл ичраман, насибам, ноним бордир,
Юрагимда ёнган ўт чўғингда жоним бордир,
Ватан, Онам, ягонам, туғингда қоним бордир,
Тупроғингда қолмаса изимни ёқ, изимни.

Суякни суяб юрган ичидаги иликдир,
Чироқни чироқ қилган кул бўлгувчи пиликдир.
Яхшиларнинг яроғи ёмонга яхшиликдир,
Ҳаром бўлса тузликдаги тузимни ёқ, тузимни.

Пешонанг сажда кўрмас, бошинг кўкка етмагай,
Тилингда тошинг бордир, ёнингдан дўст ўтмагай.
Маҳмуд, курмакка қулсан ғалвиринг дон тутмагай,
Юрагимда ёнган ўт ўзимни ёқ, ўзимни,
Номардга тиз чўкканда тизимни ёқ, тизимни.

* * *

Уйқунинг увоғида ғафлатнинг тоғи бордир,
Зийраклик чироғида жаннатнинг боғи бордир.
Аросат аросида оввора юрма, Маҳмуд,
Майдонга тушган марднинг белда белбоғи бордир.

* * *

Кушлар қанотида тош кўтармагай,
Киприклар бир умр ёш кўтармагай,
Учраган ниҳолни босиб ўтмагин,
Ким айтар майсалар бош кўтармагай.

* * *

Кўзимнинг куртагида очилган гулдан узинг,
Кўнглимнинг чашмасида қайнаган майдан сузинг,
Сиз мени тушунсангиз туморингиз бўлайин,
Жисмингиз жамолини мени жонимга чизинг.

* * *

Офтоб ойни кўрмагай бир осмонда юрса ҳам,
Илдиз ўз гулин кўрмас, жонидан сув берса ҳам.
Бу дунёни яратган эгамда ҳеч миннат йўқ,
Оловга омонлик бор, чўғ кул ичра турса ҳам.

* * *

Худони мен ҳалол туздан изладим,
Баҳор, ёзим ўтди, куздан изладим.
Ўзимдан топмадим, гуноҳим кўпдир,
Аё, дўст, мен уни сиздан изладим.

Боғ кезиб ҳар ниҳолдан ўзимга дўст изладим,
Кумриларга кўшилиб сўзимга дўст изладим,
Кун келиб тупроқ мени тиллашгани чақирса,
Ортимдан йўқлаб борар изимга дўст изладим.

* * *

Бир майса теракка шивирлаб деди,
Ерга боқ, илдизинг куртлар еди.
Ёнимда йиғлаган шу ғариб тўнка,
Кеча сенинг каби керилган эди.

* * *

Юрсанг йўлинг унаркан, турсанг тошга ўхшайсан,
Умрингга ўлчов сўрса кўзда ёшга ўхшайсан.
Дилингда бир қатим нур қидирганлар кувонса,
Оқшом ойга, кундузи сен куёшга ўхшайсан.

* * *

Қўнғироқ кўкдан келса жаранги баланд бўлур,
Бургутга камон тутган бургутга монанд бўлур.
Сен бошингдан баландга сакрашни одат қилма,
Тувакда гуллаган гул, албат тувакла сўлур.

* * *

Сен ўзингни гуноҳлардан фориғ тутмагин,
Яратганга бир тавбангни дариғ тутмагин.
Сайёдга ҳам гоҳ-гоҳида мурувват даркор.
Раҳм қилгин, сайидингни орик тутмагин.

* * *

Соат чиқ-чиқида савол бор эмиш,
Ердаги увоқда увол бор эмиш.
Бўйингни қамишга бўйлаверма кўп
Тиз чўк, майсада ҳам камол бор эмиш.

* * *

Офтобнинг алами куймаган жонда,
Булбулнинг алами суймаган жонда.
Шабнамни саҳрога сочмагин, Маҳмуд
Иймон нима қилсин тўймаган жонда.

* * *

Тошган дарёларга тўғонлар хасдир,
Чаёнга чақмоқлик оддий ҳавасдир.
Очнинг қулоғига айтилган кўшиқ,
Куриган кудуқда инграган сасдир.

КЎКЛАМ

Юрагим, йиғласанг ёшингни кўрай,
Кўкарган кўнгилни кўклами келди.
Қалдирғоч, кела қол, қошингни кўрай,
Кўкарган кўнгилни кўклами келди.

Энди ялпизларнинг япроғи ўсар,
Энди тиконларнинг тирноғи ўсар.
Дарёсини йўқлаб қирғоғи ўсар,
Кўкарган кўнгилни кўклами келди.

Ҳар дарахт бошини барглар силайди,
Ҳар ошиқ кўнгилни дардлар силайди.
Майсалар бешикка шабнам белайди,
Кўкарган кўнгилни кўклами келди.

Ёмғирлар йиғлашиб, шароб тутади,
Ғунчалар булбулга гулоб тутади.
Онамни айвонда офтоб кутади,
Кўкарган кўнгилни кўклами келди.

Худойим, бандангман, бедор қил мени,
Болари бўлайин, дастёр қил мени.
Оятдай оромли ашъор қил мени,
Кўкарган кўнгилни кўклами келди.

КЎҲНА ҚУШИҚ

Меҳмон келса қадимдан,
Тўкилган ҳавас бўлсин.
Дуо олсанг дуогўйинг
Гулдек тоза нафас бўлсин.

Отам дегин, онам дегин,
Тилинг ширин сухан бўлсин,
Фарзанд кўрсанг кулгусида,
Йиғисида Ватан бўлсин.

Доғи бор деб битта ойни
Юзига чанг солаверма.
Бир янглишган бечорадан
Ўчим бор деб, олаверма!

Қотган нонинг қатларида,
Очнинг кўнгли гул очармиш.
Нодон итин тувагига
Обру учун пул сочармиш.

Худо берган насибангни
Кўлинг бор-ку, ушатиб ол,
Йиғи келса юрагингга
Йиғиб кўйма, бўшатиб ол.

Олчи турса отаверма,
Маҳмуд, омад ошиғини.
Сенгача ҳам куйлаганлар
Кўҳна дунё кўшиғини.

XX аср ўзбек адабиёти

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор

БАҚО БЎСАҒАСИДАГИ НИДО

Ҳазрат Навоийнинг шундай сатрлари бор:

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим.

Улуғ шоир ўз ҳаётий, ижодий тажрибасидан келиб чиқиб айтган бу сўзларда сўз санъатининг ғоят муҳим қонунияти, сир-синоати очилган. Биламизки, бадиий адабиётда ёзувчи-шоир ижодий фантазиясининг малакасанъаткорлигининг аҳамияти катта. Адабиёт тарихида ўзлигини, шахсиятини тийиб, замона зуғумларидан, дунё ташвишларидан ўзни четга олиб, бошга тушган кулфатларни ичга ютиб, нуқул адабий анъаналар изидан бориб «соф санъат» асарлари яратиш билан машғул бўлган ижодкорлар кўп ўтган. Шу билан баробар, бевосита «ўз иши», ўз шахсий ҳаёти, бошдан кечирган «бул ажаб» саргузаштлар, мушкул савдолар, ҳаётини ост-уст қилиб юборган ҳодисалар таъсирида майдонга келган асарларнинг файзишукуҳи ўзгача бўлади. Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, шунингдек асримизнинг аллома адиблари — Қодирий, Чўлпон, Фитрат бисотидан бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Парадоксни қарангки, сўз санъати ўта ижтимоийлашган, ижодкор шахсиятини, ўзлигини намоён этиш имконияти чекланган шўролар даврида ҳам, барибир, бадиийятнинг бу сирли қонунияти амал қилишда давом этган. Ойбекнинг ўнлаб рубобий шеърлари, F. Ғуломнинг «Сен етим эмассан» ва «Соғиниш»и, Миртемирнинг «Сурат» лирик қиссаси, «Онагинам» марсияси, М. Шайхзоданинг «Хиёбон» китоби, С. Зуннунованинг мунгли ва мардона ҳасби ҳоллари — яна бир талай шу каби асарлар XX аср ўзбек шериятининг дурдоналари саналади.

Бу хил асарлар сўз санъатининг яна бир ғаройиб шеваси устида ўйлашга ундайди: бошқа соҳаларда бошга тушган шахсий кулфат киши қисматининг заволи бўлиши, бадиий ижодда эса ижодкорнинг шахсий бахтсизлиги, қайғуси гоҳо адабиётнинг бахтига айланиши мумкин. Мана шу ғаройибот ижодкорларнинг ўзларини ҳам ҳайратга солган. Чунончи, улуғ олмон шоири Ҳанриҳ Ҳайне шундай ёзган:

Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади,
Қайғумни гапириб берган вақтимда.
Мени алқамаган киши қолмади,
Қайғумни назмга терган вақтимда...

Чўлпон мана шу ҳолатдан ҳайратга тушиб улуғ шоирнинг шу сатрларини 1927 йили ўзбекчага ағдарган эди.

Шу мухтасар «дебоча»дан мақсад XX аср ўзбек, балким жаҳон шериятининг таниқли намояндаси Зулфия ва унинг сўнгги қалб нидоси, ҳасби ҳоли «Хотирам синиқлари» достони ҳақида сўз айтишдир. Менинг назаримда, Зулфиянинг умр бўйи яратган асарлари бир дунё бўлса, бу мўъжаз достоннинг ўзи яна бир дунё!

Биламизки, Ҳамид Олимжон ҳалокати Зулфиянинг шахсий ҳаётида, ижодий тақдирида чуқур из қолдирди; Миртемир айтганидай, Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оловда баробар ёнди; Ҳамид Олимжонни соғиниб жаранглаган шеърлар кишини лол қолдиргудек, айриликнинг куйдирувчи аламлари, «ўша ишқ, ўша суқ, ўша вафо — Зулфияхоним шеириятининг ўзак мотивларидан бўлиб қолди». Ғапнинг очиғи, айни ўша «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Гуллар очилганда», «Висол», «Не балога этдинг мубтало», «Кўрганмидинг кўзларимда ёш», «Сенсиз» каби ҳижрон туркумини ташкил этган шеърлар Зулфияни ўзига хос шоира сифатида элга танитди, асримиз шеириятининг кўркам намуналари қаторидан ўрин олди. Шахсий мусибат оловида туғилган бу ёниқ шеърлар яна узоқ йиллар қалбларга ҳаяжон солажак, теран баҳс-мулоҳазаларга озиқ беражак.

«Хотирам синиқлари» шоира шахсий ҳаётига дахлдор яна бир фожеий ҳодиса, 37-йилги Сталин қатағони, бу мудҳиш фалокатнинг шоира туғилиб ўсган хонадонга келтирган мусибати ҳақида баҳс этади. Йўқ, бу асар бир оила бошига тушган мусибат ҳақидаги шунчаки ахборот, мусибат тафсилотларининг шеърий баёни эмас, балки чексиз мусибатнинг поэтик сурати, бадиий таҳлили, олтмиш йил юзага чиқмай бўғизда тош бўлиб ётган йўқлов, қалб тубидаги оҳлари, мусибатдан ўртанган қалбнинг фиғони, алам-армонларга тўла ўй-мушоҳадалари изҳоридир.

Адабий давраларда шундай нақл юради: улкан адиблар аввало Оллоҳ, қоларверса, тарих зиммага юклаган вазифани адо этмагунча тарих саҳнасидан, бу фоний дунёдан кетмайдилар. Қодирий гўё бу дунёга «Ўтган кунлар»ни, Чўлпон Эрк лирикасини, «Кеча ва Кундуз»ни,Фитрат «Абулфайзхон»ни яратиш учун келгани каби Зулфия опа ҳижрон туркумини ва «Хотирам синиқлари»ни яратиш учун келгандай туюлади. «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеъри билан «Хотирам синиқлари» ёзилган муддат орасида роппа-роса ярим аср вақт ўтибди. 81 ёшлик узоқ умрни Оллоҳ шоирага шу достонни яратиб қолдириш учун бергандек туюлади менга; бу достонни яратмай туриб шоира опамиз бу фоний дунёдан кетиши мумкин эмас эди, дегим келади.

Бу достонни А. Ахматованинг «Марсия» шеърий туркумига, А. Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи» поэмасига ўхшатгувчилар бўлди. Дарҳақиқат, «Хотирам синиқлари»да ўша машҳур асарлар билан муштарак жиҳатлар мавжуд. Бироқ бу достон адабий таъсир, анъаналар қолипига сиғмайдиган, фақатгина шоира Зулфия айтиши, ёзиши мумкин бўлган, ёзмаса бўлмайдиган асардир. Яна бир муҳим жиҳат—бу асар шоиранинг бутун ижоди давомида деярли кўринмаган, балким авваллари изҳор этиш мумкин бўлмаган нозик ва ўта самимий илоҳийисломий руҳ билан йўғрилган. Олтмиш йил қалб тубида қўрғошиндай ётган алам-армон баҳонасида шоира ўзи босиб ўтган узоқ ва машаққатли йўл, ўзининг «бул ажаб ишлари» ҳақида яратганнинг олдида ҳисоб бераётгандай бўлади; ўзи ишонган: амал қилган эътиқод, ёлғон, таги пуч ақидалар йўлида зое кетган умид ва меҳнатлар, билиб-билмай қилган гуноҳлар хусусида афсус-надоматлар чекади, мардона туриб ўз ҳаётини тафтишдан ўтказади; шу пайтга қадар «айтилмаган алам, ёзилмаган шеър, олинмаган қасос — юрак титроқлари»ни, қалб исёнини изҳор этади, сўнгги энг азиз дил сўзларини тўкиб солади. Бир сўз билан айтганда, бу достон шоиранинг умри ниҳоясидаги, баҚо бўсағасидаги қалб нидоси, муножатидир.

Достонда биринчи галда шоира қалбига яқин энг азиз одамлар — қатағон қурбони Ака, аламдийда Она, Ота, улар табиатига хос энг муҳим хусусиятлар устида гап боради. Шоира Акадан сўз очар экан, унинг кўзидаги оташ, жонидаги қуёш, султонликка лойиқ келбат, лаёқат, сардорники янглиғ бардошга ургу беради; 30-йилларнинг «қора тун»ларида миллатнинг бундай алп ўғлонларига «ёруғ кун» йўқ эди.

Сизни-ла қора тун олдилармикин,
Қўлингизга кишан солдилармикин,
Юкиниш, ялинчмас — гурурни кўриб,
Ваҳший ғазабларда ёндилармикин?!

Бу мусибат туфайли Она, Ота не ҳолларга тушгани маълум, бироқ сингилнинг мотами уларникидан-да кам эмас, чунки сингилнинг акага меҳри ўзгача бўлади, сингилни «меҳрдан бино» бўлган дейдилар:

Ака, жоним акам — жондошим акам,
Олтмиш йил изимга қайтиб йиғлайин,
Бўғзимда тош бўлган йўқловларимни
«Оҳ»ларим эритар — айтиб йиғлайин.

На илож, ўша кезларда сингил кўнглидаги меҳрнинг кучи «кўз ёшга» етади холос,дилдаги нафрат, ўчини «гуноҳсиз жон»нинг қотилларига ўқ қилиб отишдан нарига ўтмайди, ўтолмайди.

«Қароғида меҳр шамлари ёниқ» Она ҳақида шоира аввалгари ҳам эҳтиром билан ёзган; бироқ онасининг «гуллаган ўрикдай ораста отин» экани, «Суфи Оллоёр, девона Машраб баёзларин ўпиб қўлга олиши» шу сўфий шоирларнинг шеърлари ўқилганда гўё бутун коинот шўъулага тўлгани, айни ўша сеҳр оғушида мурғак қизалоқ кўнглида қўшиқ айтиш ҳаваси уйғонгани тўғрисида биринчи бор сўзлайди. Рўй берган кулфат туфайли энг кўп озор чеккан шахс — Она экани аён; бироқ шоира асарда Онанинг дил фарёдлари, тўккан кўз ёшлари ҳақида ошкора гапириб ўтирмайди; унинг ўша кезлардаги ҳолати, хатти-ҳаракатини ўта ихчам тарзда шундай чизади:

Онам қўлларида муштдай тугунчак,
Тош шаҳарни кезар аваҳта излаб...

Бу ҳолат, хатти-ҳаракат ошкора изҳор этилган узундан-узоқ дод-фарёдлардан, кўз ёшлардан кўра кучлироқ таъсирчанлик касб этади. Кейинги сатрлар Онанинг аянчли ҳолати, фожиаси миқёсини янада кенгайтиради:

Аваҳта нечадир, зор она неча,
Нечалар яшарди замонни «сиз»лаб.

Сўз Ота устига кўчганда, ундаги чидам, бардош алоҳида таъкидланади; шоира «пўлат, оловдан, метиндан яралган жон» — Ота иродаси ҳақида ҳарқанча ҳайрат билан сўзламасин, бу одамнинг «кекса кўзлари»да «қотган кўз ёшлар», «бу сокин жуссани» ичдан кемираётган дардни кўнгилда туйиб туради. Мана бу ҳолат, манзарага жо бўлган «дард-аламлар» ҳам ошкора оҳ-воҳлар, кўз ёшларга кўра юз чандон таъсирчанроқ;

Куни бўйи кезиб, букчайиб, толиб,
Кекса бағрин ерга бериб ётарди.
Биз ночор бир-бирга эзилиб боқиб,
Сукут денгизига оғир ботардик.

Отага ҳурмат, эҳтиром қанчалар чексиз бўлмасин, Отанинг сўнгги («Вақт фақат дедингиз: «Солдим худога»...») сўзидан кейин шоиранинг исёнкор қалби жим туриши мумкин эмас; «Бу қирғин дояси худосизлар-ку» дея ҳайқиради! Қирғин дояси қўли билан «Муҳташам бинода сирли, яширин Алп йигитларга» гўр қазилаётган, «Сибирнинг нур тушмас ўрмонларида» миллатнинг норғул ўғлонлари қушдай қирилаётган бир пайтда «сабр, қаноатдан яралган эл» ва унинг Ота каби фарзандлари бу худосизлар ишини «худога солиб» ўтиравверса чидаш мумкинми! Шоира ёниб айтмоқчи, ахир, ҳаётда «Сўқир ҳам ўзига сўқмоқ изларку!» Шоира энди Ота қолиб ғофил эл билан баҳслашишга ўтади:

Сен эса яшардинг мисоли тушда,
Туртиниб ғофиллик туманларида...

Достон муаллифи шу тариқа бир оила ва бутун бошли юрт бошига тушган мусибатли йиллар, ўша кезлардаги элюрт ва айрим шахслар руҳияти, кайфияти манзараларини чизар экан, улар фонида ўзининг мухтасар ҳаёт йўли ва руҳий биографиясини ҳикоя қилади; «ҳикоя қилади» дейиш достондаги ўша образлар қудрати-ла чизилган бетакрор ва нафис манзараларни жўнлантириш бўлар эди.

Шоира ҳаёти, қарашларидаги бурилиш паллалари ифодасида ҳам, одатдагидек, мухтасар ва ўта кўркам образли иборалар қалашиб келаверади; «Жангдан сўнг ҳорғин саркарда Тирик аскарларни тизгандай қатор — Мен тирик ҳисларим бир жойга йиғдим Ва кучли яшашга айладим қарор» — шоиранинг ўша кезлардаги ҳолати, ҳаётидаги бурилиш палласи, яшаш ақидаси ҳақида бундан ошириб, муҳими, аниқ қилиб айтиш мумкинми?!

Шоиранинг бундан кейинги «кучли яшаш» шиори остида кечган ҳаёти, интилиш, курашлари манзараси янада мухтасар, шу билан баробар армон-ўкинчларга мўл:

Юртни бўрон бўлиб кездим бош-оёқ,
Қабристонлар аро қуюндай юрдим.
Энг кичик гиёҳ ҳам наздимда уйғоқ,
Фақат эл-юртни сукутда кўрдим.

Шу тариқа шоира боя бошланган «ғофиллик туманларида туртиниб» яшаётган эл устидаги баҳсга яна қайтади; ғафлатда, сукутда қолган шу эл-юртнинг бир фарзанди бўлмиш шоиранинг ўзи ҳам тафтиш нишонига айланади, ғоят аёвсиз, шафқатсиз мисралар бирин-кетин қуйилиб келаверади; шоира ҳукмича, кўзинг кўр бўлса — ёмон алам, «Лекин сўқир диллик — ундан-да даҳшат». Бунинг исботи шуки, «Халқ ганжин юлмоққа чўзилган қўлга Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат». Аламлар устига аламлар уланаверади: «Янги ҳаёт» дебмиз ўша кунларни, Беталаб, бенолиш яшабмиз кўп йил»; «Ватанпарвар» дебмиз ўз-ўзимизни, Денгизлар қурибди, чирибди балиқ; «Бир ўйлаб кўрмабмиз бу юрт ҳокимин, Лаби кулиб, нечун ранг-рўйи заҳил?! Тожи йўқ подшодай сездими ўзин» — достон мутолааси жараёнида, аминманки, ўша йилларга шоҳид ҳар бир эсли-ҳушли, виждонли ўқувчи дилидан ҳам шундай аламли саволлар ўтажак... Мана у сатрлар ўша аламли саволларга ўзига хос якун тарзида янграйди:

...Эй гумбази гардун, қолдимми ғофил,
Ишонч, эътиқодлар чиқди пучларга?!
Суяниб нажотлар кутгандик, наҳот,
Бизга чоҳ қазиган қора кучларга?!

Айни ана шу аламли саволлар асосида шоира энг улуғ ҳакам — Оллоҳга муножатини бошлайди, бундай кўргуликларнинг боиси эл-юртнинг Оллоҳ назаридан қолишида эмасмикин, деган тахмин-гумонларга боради:

«Инсонсан, бошингни кўтар», демабди,
Кўнглинг қолганмиди бизлардан, холиқ?

Жаҳон адабиёти тарихидан яхши биламиз, кўп улуғ сўз усталари ўзларини Оллоҳга яқин олиб, Оллоҳ олдида бир оз эркалик қилиб баъзан у билан баҳслашишга аҳд қиладилар. Зулфия опа ҳам айни шу анъанага амал қилиб асар давомида ўзи танқидий тафтишдан ўтказган гуноҳкор эл-юрт ва шахсан ўзининг ҳимояси йўлида сўзлар айтишга, бунинг учун мантиқий далиллар келтиришга журъат этади:

Ўзинг бергандинг-ку, поклик, ҳалоллик,
Иймону ишончлар — бутун, беиллат.
Қилолмас эди-ку шайтон даллоллик,
Илму ҳикматларга ёр эди миллат.

Бевосита ўзи ҳақида ҳисоб берарркан: «Қай бири вазминроқ: савобми — гунох, Яшадим-ку риё, ҳаромдан нари... Бу дунёда кўрган азоб, кўз ёшлар савоб посангисин хиёл босарми? Гумроҳлик палласин тўлдирса тошлар, Энг баланд дорига мени осарми?!» деган саволлар кўнглидан ўтади ва достон муаллифи ўз ҳимояси учун энг асосий далил-исботини айтади:

Куйганман. Бош-оёқ куюк жисмимнинг —
Нимасин ёқарди дўзах ўтлари...

Бу энди жаҳон шеириятида сийрак учрайдиган исёнкорона сатрлар сирасидан. Бу сатрлардаги исёнкорона руҳ ҳар қанча кескин бўлмасин, улар ўта самимийлиги туфайли шахсан менга шаккокликдан ҳоли туюлади. Шоиранинг ўзи ҳам одамларга мурожаат этиб: «Билмайман, савобми ё кони гуноҳ, Зинҳор шаккокликка йўйманг тилагим», дея илтижо қилади. Шоиранинг одамларга қарата айтган сўнгги сўзи, тилаги, васияти ҳам исёнкорона ва ўта самимий:

Жасадим дарёга ташланг, руҳим пок,
Оби раҳматларда совусин таним...

Фақат виждони, дили пок суюкли бандагина бундай сўзларни айтишга журъат эта олади.

Достон «Халқ сўзи»нинг 1995 йил 1 март сонида эълон этилган эди. Ўша йили май ойида Аграр университетида Зулфия опанинг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий анжуманда мен ҳам иштирок этиб, «Хотирам синиқлари» достони ҳақида бир оз ҳаяжонланиб сўзлаган, Республика Таълим маркази ўзбек адабиёти кенгаши раҳбари сифатида шоирадан шу достонини мактаб адабиёт дарслигига киритиш учун рухсат-изн беришларини сўраган эдим. Зулфия опа ўринларидан туриб, қўлларини кўксига қўйиб бу таклифга розилик билдирган эдилар. Бу ноёб асар ҳозир такомиллаштирилаётган янги мактаб адабиёт дастури, дарсликларидан ўрин олишига, мустақил мамлакат миллат фарзандлари қалб мулкига айланажагига шубҳа йўқ.

«МЕҲРОБДАН ЧАЁН» — ТЕЛЕЭКРАН ТАЛҚИНИ

РОМАН ВА СЦЕНАРИЙ

Абдулла Қодирий сценарийни ҳар ким ҳам ёза олмаслигини, ўзбек ёзувчиларининг кинодраматургиядаги ижоди самарали бўлиши учун малакали, экран драматургиясининг ўзига хос хусусиятларини биладиган қалам соҳиблари билан ҳамкорликда ишлашларини маслаҳат қилган эди. Шундай бўлди. Олтмиш йилдан ортиқ даврда шундай ҳамкорлик туфайли миллий кино санъатимизнинг шоҳ асарлари пайдо бўлди.

90-йилларга келиб кино ва ТВнинг техник имкониятларини, ўзига хос эстетикасини ўрганган ва бу соҳада ижод этишга қодир бўлган ёзувчилар пайдо бўлдики, бу ҳол миллий кинодраматургиямиздагина эмас, режиссурада ҳам сифат ўзгариши содир бўлишига олиб келишига ишонамиз. Насрда, публицистикада танилган Хайриддин Султоновнинг ТВ ҳамда кинодаги самарали ижодини кўриб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

«Меҳробдан чаён» романи Хайриддин Султонов ижодхонасида таҳрир қилинмади. Қисқартмаларга деярли йўл қўйилмади (Худоёрхоннинг ўтмишини таърифлашга, Абдураҳмоннинг баччалигига, Анварнинг поччаси билан бўлган муносабатларига бағишланган саҳифалар бундан истисно). Аксинча, ёзувчи бир-икки жумлада таърифлаб ўтган воқеалар (масалан, Моҳлар ойим билан боғлиқ бўлган парчаларни эсланг) катта эпизодларга айланди. Бунда теледраматургнинг роман матнига бўлган ҳурмати, меҳри яна бир бор кўзга ташланди. Айни вақтда Х.Султонов ТВ қонуниятларидан келиб чиқиб, баён услубидан кўра кўрсатиш, ижрода намоён этишни афзал кўргани сабабли ҳам шундай — тасвирга, диалог, кадр ортида янграган сўз, изоҳга бой парчалар пайдо бўлди: Моҳлар ойим ва Маҳдум ўртасида «нонкўр» Анвар хусусида тортишув бўлиши ёки «Анвар шу арзимаган учтўрт тангани ҳам маҳдумнинг қўлига келтириб берар ва ҳафта сайин ўзига устозининг умидини каттароқ боғлаб борар эди» жумласи қатор эпизодларга айланди. Кўпгина шу каби мисолларни келтириб, теледраматург романнинг қадрига етганини, уни беками кўст экранга олиб чиқишга уринганида ТВнинг тасвир, ижро, синтетик образ яратиш имкониятларини кўзда тутганини мамнуният билан қайд этамиз. Шу билан бирга, Қодирийнинг изоҳлари, шарҳлари айнан сақлаб қолинган, кадр ортида ўқиладиган дамлар ҳам кўп бўлиши назарда тутилган. Санжар Саъдуллаев саҳна эпизодларининг моҳиятидан, ҳақрамонлар ҳолатидан келиб чиқиб ўқиган матнда ахборот, кайфият ифодаси, муаллиф муносабати сезилиб турса-да, айрим ўринларда у ортиқчадек кўринади. Бу ўринда гап Қодирий тузган жумлаларда эмас, ТВда овоз, сўз ҳамда тасвир бир-бирига уланиши (ёки қарама-қарши қўйилиши) ҳақида кетаяпти, албатта. Икки саҳифада таърифланган ҳолатни актёрнинг биргина нигоҳи, имо-ишораси, табассум ила бера олишини ҳам, рангли тасвирнинг сермазмунлигини ҳам, турли мазмундаги кадрларнинг тўқнашуви натижасида пайдо бўладиган учинчи кадр, лавҳанинг таъсирчан бўлишини ҳам назарда тутмоқдамиз. Шунингдек, сценарий муқаддимасида Қодирийнинг сўзлари («мен мирзо Анвар ҳикоясини марҳум отамдан эшитган эдим...») келтирилиши, ўқилиши ТВга жуда мос келган. Романнинг хотимасидан қисқартириб олинган бу сўзлар дарҳол эътиборни тортади.

ТВ талабларидан бири ҳам шу — ҳикояни кўрган-билган ёки ўша воқеада иштирок этганлардан эшитган шахслар айтиб бериши керак. Лекин бу матн ҳар гал — ўн беш қисм муқаддимасида ўқилавериши, кадрда эса ҳамиша бир хил манзара — сув, фотолар, Кўқон аравасининг баҳайбат ғилдираги айланиши кўрсатилиши меъёр талабларига риоя қилинмаганини кўрсатади. Айтиладиган ва ёзиладиган сўзда ранг-баранглик бўлишини талаб этадиган, ихчамликни, шакл нафислигини биринчи ўринга қўядиган ТВ учун бундай қайтариқлар ноўрин кўринди.

Мазкур сценарийни роман билан қиёс қилиб илмий очерк ёзадиган олимга ҳавасим келади. У ҳақиқий ижод нашидасига тўлиб тошган дамларни бошидан кечиради. Газетанинг чекланган саҳифаси эса мулоҳазаларимизни мухтасар қилиб, дастлабки хулосамизни келтиришни талаб этади.

Роман асосида пиеса ва сценарий ўртасидаги асар яратилди. Қодирий ижоди хусусиятларини чуқур ўрганган, унга меҳр қўйганлар машҳур, барчамизга ёд бўлиб кетган матнга мос келадиган мажозий ифодалар, мураккаб тасвирий композициялардан кенг фойдаланиш, турли маромда, кўринишда намоён бўладиган электрон монтажнинг имкониятларини ишга солишни назарда тутмади. Адиб таърифлаган воқеаларни, чизган образларни ТВ имкониятлари даражасида тўлароқ кўрсатишга интилди. Ўйлаймизки, Абдулла Қодирий мероси ТВ ва кино нуқтаи назаридан ўзлаштирилаётган ҳозирги дамда бу тўғри йўлдир. Имонимиз комилки, ҳали Қодирий жумлалари, саҳифалари, боблари, умуман, асарлари руҳидан келиб чиқиб янги ТВ шакллар изланади: ТВ ривожининг янги босқичида янги авлод янги образли тўқима яратишга, адиб яратган матнни ҳақиқий телевизион шаклда ифода этишга уриниб кўради.

ЭКРАНЛАШТИРИШ МАШАҚҚАТИ, РЕЖИССЁР МАСЪУЛИЯТИ

Эпик шаклдаги асарни драматик шаклга келтириш ўта мураккаб жараён. Аслида мустақил асар — оригинал сценарий ёки пиеса ёзишдан ҳам оғирроқ кечади бу дамлар. Ёзувчининг ғояси, ўй-кечинмалари, олий мақсадини ижро ва тасвир, овоз ва монтаж воситалари, мизан-саҳна ҳамда кадр ортида айтиладиган сўз билан томошабинга, тингловчига етказиш кўп жиҳатдан режиссёрнинг бадиий бисотига, зеҳнига, талабчанлигига, экранлаштираётган (ёки саҳналаштирилаётган) асарга бўлган меҳрига боғлиқ. Телережиссёр Маҳкам Маҳамедов биз таҳлил қилаётган асари билан бундай юксак талаблар даражасида ижод эта олишини кўрсатди. Унга фақат ТВ драматургияси ва техникаси кўмаклашиши зарурлиги кўзга ташланди. Биз тилга олган сценарий телеспектаклининг эстетикаси назарда тутилиб ёзилганми ёки телефилм, видеофилм талаблари инобатга олиб ёзилганми?! Бу масала муаммолигича қолгани сабабли «видеофилм» деб аталган ҳамда негадир «Ўзбектелефилм» белгиси билан эфирга узатилган асарда гоҳ спектаклга хос мизансаҳналар, турғун ҳолда олинган лавҳалар учради, ҳикоя мароми сўст бўлган эпизодлар филмни эмас, китобни, саҳна асарини эслатиб турди. Шу билан бирга, ҳақиқий телевизион ҳикоя, ижро, тасвирни кўрган, тинглаган вақтларимиз ҳам кўп бўлди: муқаддимадаги ҳикоя биринчи шахс номидан айтилганида кадрда жўш уриб турган сув тўлқинлари, ноёб фотолар (дарвоқе, улар 1908—1925 йилларда суратга олинган ҳужжатли кадрлар билан алмашиб турса ўринли бўларди) берилиши, титрлар пайдо бўлганида эса икки овоз Қодирийнинг машҳур мисраларини ашула тарзида бериб, томошабинни Анвар ва Раъно достонини эшитишга, кўришга тайёрлаши фикримизга далилдир. Ёки ўн тўртинчи қисмда Анварнинг (артист Исломбек Маннопов) Раъно (артист Дилдора Рустамова) билан хайрлашиши дақиқаларида самимийлик, беғуборлик, ишқ ўтининг енгилмас кучи бамисоли кўз ўнгимизда, «йирик планда» намоён бўлдики, бу ҳол режиссёрнинг, ижрочиларнинг Қодирийга бўлган меҳрини, севишганларга ҳамдард эканлигини, роман устида сидқидилдан ишлаганликларини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, видеофилм талабларидан бири — у бир эмас, бир неча камера билан суратга олиниши зарурлиги инобатга олинмагани ёки техник имконият бўлмагани режиссёрнинг ҳам, ижрочиларнинг ҳам имкониятларини чеклаб қўйгани кўзга дарҳол ташланади. Бинобарин, бирор муҳим хабарни айтаётган шахсни — асар қаҳрамонини кўрамиз-у, уни тинглаб ҳаяжонланаётган, тадбир қўллашга қарор қилаётган, хабарнинг мағзини чақаётган иккинчи қаҳрамонни кўрмаймиз (масалан, Сафар бўзчи Султоналига нохуш хабарни — Раънони хонга бермоқчи бўлганларини етказиш лавҳасини эсланг — IX қисмдан).

Бундай қусурлар бугунги ўзбек телевизион санъатида учрашига кўпчилик қўникиб қолган. Биз эса телестудиямизнинг ижодий, техник имкониятларидан келиб чиқиб, бу соҳага ажратилаётган маблағ, кўрсатилаётган ёрдамни назарда тутиб, «Меҳробдан чаён» каби телеасарлар баҳоланишида «сийлов»га йўл қўйилишини истамас эдик. Режиссёр мавзу танлашда ТВ хусусиятларини, томошабин эҳтиёжини билишини кўрдик, ижрочилар гуруҳини яратишда ва у билан ишлашда телеасарда орттирган тажрибаси қўл келганига ишондик. Ана шу икки масала юзасидан батафсилроқ фикр юритайлик. Зеро, ўзбек телевизион амалиётига диққат билан назар ташласангиз, ТВ экранига мос келмайдиган, умуман, телевидение воситалари ила ёритиб бўлмайдиган мавзуларни ҳам ёритишга бўлган интилишларни дарҳол кўрасиз. Актёрлар ижросида эса шартли белгилар, саҳнада қўлланиладиган ижро техникасини илғаб оласиз.

Маҳкам Маҳамедов «Меҳробдан чаён» айнан телевизион асар учун пухта замин бўла олишини англади. Романда воқеалар асосан иккиуч шахс билан узвий боғланган ҳолда ривожланиб бориши (бундай ҳикоя кичик экранда кунда айтиб — кўрсатиб борилиши хонадонларда томошани қабул этиш психологиясига мос келишини эсланг), мураккаб руҳий ҳолатларга бой лавҳаларни ҳаракатдаги видеокамералар билан турли йирикликдаги планларда кўрсатиш имкони борлиги (Анвар ва Раъно мушоирасини, Солиҳ маҳдум ўзига хос ушоқ «Новеллалар»да гоҳ кулги уйғотишини, гоҳ зиқналигини намойиш этишини, гоҳ Анварни ранжитишини мисол тариқасида айтиб ўтардик), адиб ўз асарига ҳаётий воқеаларни асос қилиб олганини ўзи қайд этиши — булар китобни «телевидениебоп» деб баҳолашга асос бўлади. Режиссёр сценарий муаллифи кўмагида романнинг шундай телевизион «манбалари»дан фойдаланишга уринганини кўрдик.

Ижрочиларни танлашда эса М.Маҳамедов ҳақиқий жасорат кўрсатган. У икки асосий ролни профессионал актёрга эмас, ташқи қиёфаси мос келган ҳаваскорларга топширган. Ўзбек киносида бу соҳада дадил қадам қўйган биргина Наби Ғаниев эди: у Тоҳир ва Зуҳра ролларига 16—18 ёшдагиларни таклиф этиб, улар билан оғир дамларда сидқидилдан ишлаб, шуҳрат қозонган эди. «Меҳробдан чаён»даги Раъноии ва Анварни гавдалантириш ниҳоятда оғирлигини билган режиссёр ўн саккиз ёшдаги Дилдора Рустамовага, Фарғона лицейида ўқитувчилик қилиб келаётган Исломбек Маннопов ишонгани, уларнинг ижро борасидаги озми-кўпми имкониятларини кўра олганини мамнуният билан қайд этардик. И.Маннопов нинг Анварига эҳтирос етишмагани сўнгги кадрларгача ранжитган эди. Лекин унинг қаҳрамони ёқимли, маданиятли, вазмин, ақлли эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ёш Дилдора Раъонинг севгисини намойиш этишида тортинганми, «чегарадан чиқмасликка» аҳд қилгани кўриниб турибди. Лекин бу икки қизалоқ — Раъно ҳам, Дилдора ҳам самимият, иффат, ибо, садоқат каби тушунчалар юзасидан фикрлашга ундамайдими?

Барча образлар ечими, воқеаларнинг ТВдаги тафсилотлари ҳақида газета саҳифасида бафуржа мулоҳаза қилишга имкон бўлмаса-да, Шаҳодат муфти артист Фарҳод Аминов истеъдоди ила руй-рост гавдаланганини, лекин оммавий саҳналарга (айтайлик, Анварнинг қутқарилиши, жаллод қўлидан тортиб олиниши) динамика, аниқ деталлар етишмаслигини, Моҳлар ойим, Нигор ойим образлари экранда ҳам меҳр уйғотишини, лекин барча қаҳрамонларга таъриф беришда мусиқадан фойдаланиш йўллари изланмаганини айтиб ўтиш зарур, деб биламиз...

Шундай қилиб, Абдулла Қодирий қаламига мансуб асарнинг кичик экрандаги умри бошланди. Бирон кишининг умри иккинчисиникига ўхшамаганидек, «Меҳробдан чаён»нинг китобдаги ва экрандаги умри бир-бирига ўхшамас, эҳтимол. Зеро, улар ҳаёт, санъатнинг турли, баъзан бир-бирига зид бўлган қонуниятларига биноан «кун кўради». Қодирий қаҳрамонларига иккинчи ҳаёт берган телевидение аҳли учун машҳур роман ҳам, уни экранга кўчириш жараёни ҳам ижод мактаби хизматини ўтаганига ишонгинг келади.

Ҳамидулла АКБАРОВ

ТОМОШАБИН НИМА ДЕЙДИ?

«Телевидениега миннатдорчилик сўзларини йўллайман: «Меҳробдан чаён»ни ортиқча қисқартирмай кўрсатишди. Раънони уйнаган ширингина қиз Дилдора Рустамова романдагидек ақл-ҳушли, журъатли, чиройли. Анвар ҳам яхши...»

Аниса ҚОДИРИЙ

* * *

«Меҳробдан чаён» видеофилмини кўрган қўни-қўшни ҳовлимизга чиқиб табриклашди. Хонадонимизда тўй бўлди, бамисоли...»

Манзума ҚОДИРИЙ

* * *

«Ўн беш оқшом телеэкрандан ҳам мароқ олдим, ҳам Абдулла Қодирий чизган сиймоларнинг фазилатларини ижрочилар қиёфасида, хатти-ҳаракатида, сўзи, нигоҳи, юриш-туришида изладим. Баъзан топдим ҳам. Завқландим. Айрим ҳолларда эса таъриф, талқин, қиёфада бундай хусусиятлар учрамади... Айтайлик, романдаги дўндиққина қизалоқ Раъно ролини видеофилмда сарвқомат Дилдора Рустамова ўйнаган. «Дўндиқ» сўзини телеасарда Анвар қиёфасига кириши лозим бўлган актёрга нисбатан ишлатиш ўринли...»

Малоҳат УСМОНОВА, журналист

«Исломбек Маннопов актёр бўлмаса-да, ёзувчи таърифлаган Анварнинг самимиятини, соддалигини, Раънога бўлган чексиз муҳаббатини кўрсата олганидан беҳад хурсанд бўлдим. Видеофилмнинг ўн тўртинчи қисмида унинг Раъно билан хайрлашиш дақиқаларини кўраётиб... кўз ёшимни тиёлмадим... Шунчалик таъсирчан, ҳаётий, маъюс ҳолатларга бой бу саҳна, ижро...»

Моҳира АКБАРОВА, доцент

* * *

«Ўзбек йигитининг шижоатини, ғайратини сезмадим видеофилмдаги Анварда. Унинг нозик табиатини, меҳру муҳаббатини намоён эта олган Исломбек Маннопов нга қатъийлик, актёрлик маҳорати етишмагандек кўринади...»

Абдулазиз РАИМОВ, ТошДУ талабаси

Мулоҳазаларимиз аввалида видеофилм ҳақидаги айрим фикр, баҳоларни муштарийга етказмоқчи бўлдик. Сабаб: оммавий ахборот воситалари буюк Қодирий асарини телеэкранга кўчириш жараёнига ҳам, ўн беш бобли телеасар кўрсатилишига ҳам етарли аҳамият бермаганлари учун жамоатчилик вакилларининг таассуротларини кўпчиликка етказмоқчи бўлдик. Бизга қолса, ўзбек киноси эндигина темир қанот ёзаётган дамда аввало Абдулла Қодирийдан доно маслаҳат олган эди. ТВ кинонинг давоми эканлигини назарда тутсак, ўша оқил ва одил сўзлар бугунги телевизион амалиётга ҳам хизмат қилиб келаётганини дарҳол англаймиз. Шундай — телевидение адиб олдида қарздор! Отабек, Кумуш, Раъно, Анварларнинг руҳияти, маънавияти 30—40 бобли телевизион асарларда ўзининг ёрқин, ТВ ифодасини топганида ўша қарздан қутилармиз.

МУНАҚҚИД, ОЛИМ ВА ТАРЖИМОН

Олтмишинчи йилларда ўзбек театршунослигига кириб келган иқтидорли, серғайрат, миллий санъатимизнинг жонкуяр мутахассислари орасида театр соҳасида ўтказиладиган барча тадбирларнинг фаол иштирокчиси Тоир Исломовнинг алоҳида ўрни бор. Бу ажойиб инсоннинг қарийб 40 йиллик илмий тадқиқотчилик, танқидчилик, таржимонлик, ташкилотчилик ва мураббийлик фаолияти республикамиздаги санъат ташкилотлари, театр ижодий жамоалари, илмий-тадқиқот институти, санъат институтида эса ёш актёр, режиссёр ва театршунос мутахассисларни тарбиялаш билан боғлиқ. Дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб, деганларидек Тоир Исломов театр танқидчиси сифатида бор гапни очиқ-ойдин айтишга ўрганган; шунинг учун янги асарларга бефарқ, лоқайд муносабатда бўлиш унга ёт, ютуқлар тўғрисида суюниб, нуқсонлар, камчиликлар тўғрисида эса куюниб, ёниб, эҳтирос билан гапиришни одат қилган.

Тоир Исломов театршунос мунаққиднинг вазифасини кенг тушунадиган, театр танқидчиси биринчи навбатда театр ижодий жамоасининг энг яқин дўсти, маслаҳатчиси, жонкуяр мухлиси эканлигини юрагидан ҳис қиладиган, эстетик диди баланд, драматургия ва театр санъати назариясини пухта эгаллаган олимларимиздан бири. Драматургия ва театр санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва талабларини яхши билиши, қаламининг ўткирлиги, билим доирасининг кенглиги, ўзбек адабий тилини, маданиятимиз ва санъатимиз тарихини пухта эгаллагани санъаткорлар орасида унга ишонч, ҳурмат ва катта обрў келтираётгани шубҳасиз. Кўпчилик пойтахт ва вилоят театрларининг режиссёрлари, тарихий мавзуда қалам тебратаётган драматургларнинг Тоир Исломов билан тез-тез мулоқотда бўлишлари, Маданият ишлари вазирлиги уни вилоят театрларида тарихий мавзуда яратилаётган янги спектакларга маслаҳатчи мутахассис сифатида юораётгани бежиз эмас. Фикримизнинг далили сифатида О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг «Амир Темур», А. Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар театрининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Замон уғлони», Ҳамза номидаги академик драма театри ижодий жамоасининг «Кундузсиз кечалар» спектакларини келтиришимиз мумкин. Бу спектакларнинг кенг жамоатчиликда илиқ фикрлар уйғотишида Т. Исломовнинг ҳам меҳнати бор.

Қутлаймиз!

Т. Исломовнинг республика газета ва журналларида эълон қилинган «Давр ва қаҳрамонлар» (Жалолиддин ва Муқанна ҳақида), «Шоирнинг саҳнавий тасвири» («Алишер Навоий»), «Маҳорат қирралари» (Ш. Бурҳонов тарихий ролларни ҳақида), «Қаҳрамон ва муҳит» (М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асари ҳақида), «Тарихий шахслар талқини кўнгилдагидекми?» («Юлдузли тунлар» ва «Зебуннисо» спектаклларни ҳақида), «Амир Темур образига ёндошув муаммолари» («Соҳибқирон Темур» спектакли таҳлили), «Абулфайзхон ва бошқалар» (Ҳамза театрининг таҳлили) каби мақолалари кўтарилган муаммоларнинг долзарблиги, таҳлил профессионал даражасининг пухталиги, фикр ва мулоҳазаларнинг объективлиги билан эътиборни тортади. Умуман олганда, ўзбек драматургиясида тарихий мавзу Тоир Исломов илмий тадқиқотларининг асосий йўналишини белгилайди. Театршунос олимнинг «Ўзбек тарихий драматургияси ва унинг саҳнавий талқини» номли номзодлик диссертацияси, яқинда ниҳоясига етказилган «Тарих ва саҳна» мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳам, нашрга тайёрлаган «Шайхзода ва ўзбек театри», «Тарихий шахслар ва уларнинг саҳна талқини», «Тарих ва саҳна» монографиялари ҳам ўзбек драматургияси ва театр санъатининг ижодий ютуқларга бой даврларининг чуқур ва атрофлича таҳлилларига бағишланган.

Тоир Исломов таниқли театршунос бўлиш билан бир қаторда уста таржимон, кенг билимга эга тажрибали мураббий ҳамдир. Унинг вилоят театрлари ва Ҳамза номидаги академик драма театрида саҳналаштирилган «Исқирт сатанг» (Ю. Эминов асари), «Авария» (Дюрренмант асари), «Қалби олов» (Н. Мирошниченко асари), «Жонгинам, жонимни ол» (Азиз Несин асари) каби таржима асарлари актёрларимизнинг ижодий хазиналарини янги-янги персонажлар билан бойитди.

Мунаққид репертуар-редакцион коллегиянинг аъзоси ва етакчи мутахассиси сифатида ёш драматурглардан саҳна асарининг тили бой, таъсирчан, бадиий пухта бўлишини, ҳар бир ибора устида қунт билан ишлаши, ҳар бир персонажнинг ўзига мос индивидуал тилини топишни маслаҳат беради. Пиеса тилининг ночорлиги, ҳашакилиги, нурсизлиги актёрга образ устида изланишга, характернинг асосий хусусиятларини белгилашга, ролга айнан мос тушадиган ифода воситаларини ахтариб топишга халал беришини уқтиради. Таржималари ва халқ театрлари учун ёзилган оригинал асарларида танқидчининг ўзи ҳам бу талабларга риоя қилади.

Бугунги кунда ўзининг қутлуг 60 ёшини нишонлаётган Тоир Исломов том маънода театр санъатининг фидойисидир. Биз ундаги ана шу фидойилик оловининг ўчмаслигини, театр санъати равнақи йўлида ҳормай-толмай изланишда давом этишини тилаб қоламиз.

Тешабой БАЯНДИЕВ, санъатшунослик фанлари доктори

Икки оғиз дил сўзи

«ТИРИК» КУТУБХОНА...

Хизмат тақозоси билан республикамизнинг узоқ қишлоқларидан биридаги мўъжазгина кутубхонада бўлдик. Кутубхонадаги орасталик, жавонлардаги китобларнинг жойланиши ва сақланиш тартиблари, китобхонларга кўрсатилаётган хизмат сифати, манбалардан фойдаланиш услублари бизга ёқди.

— Кутубхонангиз шинам ва батартиб экан, — дедик кутубхона мудирасига юзланиб. Мудира мақтовимиздан завқланиб кетди ва қўлимизга «Кутубхона ва кутубхоначиларга ёрдам» тариқасида ёзилган услубий қўлланмани тутди.

— Мана шу қўлланмани мамлакатимизнинг бош зиё маскани — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонасидан олганмиз. Ишимизни шу қўлланма асосида ташкил қилиб келаяпмиз. Тўғри, кейинги йилларда давр ва шароит ўзгариши билан боғлиқ янги-янги қўлланмалар ҳам олдик.

Азбаройи қизиққанимиздан мудира қўлидаги қўлланмани олиб қарадик. Уни тузувчилари рўйхати орасида «Ш. Алимов» деган исм-шарифга ҳам кўзимиз тушди.

— Ие, бу киши ўзимизнинг Шавкат Жўраевич-ку, — ажабландик.

Журналимиз ижтимоий-иқтисодий йўналишда бўлгани учунми, материалларни тайёрлаш ва мақолаларни таҳрир қилиш жараёнида турли китоблари, газета-журналларнинг тахламларидан, адабиётлардан айрим ноаниқликларни ойдинлаштириш, рақамлар ва далилларни солиштириш мақсадида рўпарамизда жойлашган — Ҳазрат Навоий номи билан юритилиб келинаётган республикамизнинг бош кутубхонасига тез-тез ташриф буюришимизга тўғри келади. Ана шундай кезларда бу катта илм ганжинасида бизни доимо Шавкат Жўраевич кутиб олади ва ҳар гал ўзининг қимматли вақтини аямай ёрдамга шошилади. У кишини таниганимиз, яхши билганимиз ҳам асосан ана шундан.

Шавкат Алимов ўз касбининг чинакам фидойиси, чинакам билимдони. Мулоҳаза ва мушоҳадаларига қараб туриб, «Кутубхона ичидаги тирик кутубхона», — дейсиз. Республикамизнинг турли даврий нашрларида, турли йилларда, унинг имзоси билан чоп этилган «Асарларнинг ганжинаси», «Туркистон халқ кутубхонаси», «Тошкентнинг ишғол қилиниши» сингари ўнлаб илмий, тарихий мавзудаги мақолаларини ўқисангиз бизнинг фикримиз нечоғли ҳақлигини ҳис этасиз. Радио ва «Ойнаи жаҳон» эшиттиришлари ҳамда кўрсатувларида китоб, кутубхона мавзусида қилган қатор чиқишларини сиз кўрган ва эшитган бўлишингиз керак.

Шавкат Алимов салкам 30 йилки, мана шу нур, зиё масканида меҳнат қилади. Иш фаолиятини оддий кутубхоначиликдан бошлаб, илмий-услубий бўлимда бош кутубхоначи лавозимига кўтарилди. Тўйхат ўрнида ёзилаётган ушбу мақоламиз бошида таъкидланганидек, 1971—1979 йиллар давомида республикамиз кутубхоналарини кўплаб услубий қўлланмалар билан таъминлашда у фаол қатнашди. Сўнгги беш йилки, кутубхонанинг китоб сақлаш бўлимини бошқармоқда.

«Иқтисод ва ҳисобот» журнали ижодий жамоаси

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Бухоро вилоятининг Абу Али ибн Сино номидаги Маданият ва санъат саройида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган кўрик-танловнинг вилоят бўйича якуний босқичи ўтди. 15та фолклор жамоалар иштирок этган танловда Пешку тумани маданият уйи қошидаги «Афшона» фолклор халқ жамоаси биринчи ўринни олди.

* * *

Шу вилоятнинг Шофиркон тумани маданият уйи қошидаги Халқ театри жамоаси «Чиройли аёлнинг илтимоси» деб номланган янги спектаклни томошабинларга тақдим этди. Саҳналаштирувчи режиссёр — Зайниддин Ҳожиев. Бош ролларни Гулойна Зокирова, Ботир Омонов ижро этмоқдалар.

* * *

Қарши Давлат санъат билим юртида М.Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочилари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтди. Биринчи ўринга Қарши санъат билим юрти халқ рақси бўлими бошлиғи Ойниса Ёқубова ва вилоят «Ўзбекрақс» бирлашмаси раққосаси Салима Отамуродова сазовор бўлдилар.

* * *

Қашқадарё вилояти Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқали драма театрида қорақалпоқ адиби А.Жумағулов асари асосида тайёрланган «Қари қизнинг бахти» спектакли премераси бўлди. Асосий ролларни театрнинг ёш, иқтидорли актёрлари Абдуғани Рўзиев ва Раъно Мустафоева ижро этишди. Асарни Ўш вилояти мусиқали драма театри режиссёри Ғанижон Холматов саҳналаштирган.

Фотима ЖУМАЕВА

«ҚАЛДИРҒОЧ»НИНГ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧИ

Учрашув

Сўлим боғлари дарёлару тоғларга туташ Қашқа воҳасида истиқомат қилувчи санъат ишқибозлари борки, ҳамма «Қалдирғоч» оилавий ансамблини яхши танийди. Абдурашид Исоқовнинг тинимсиз изланишлари, саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, 1986 йили ташкил этилган ансамбл мана неча йилдирки, халқ хизматида.

Қалдирғоч — тўкин-сочинлик, қут-барака элчиси. Шу маънода қалдирғоч фақат меҳр-оқибат камол топган хонадонларгагина уя қуради. Қалдирғоч ва унинг полопонларини аҳил-иноқ оилаларга ўхшатгим келади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам оилавий ансамблнинг қалдирғочи Абдурашид ака Исоқов гуруҳни «Қалдирғоч» деб атаган бўлса ажаб эмас.

«Қалдирғоч» қисқа фурсат ичида нафақат вилоятда, балки бутун ўзбек диёрида қувноқ, шўх оҳанглари ила яхшигина танилиб қолди. Ансамбл Наманганда ўтган оилавий фолклор ансамблларини кўригида биринчи ўринни, Шаҳрисабзда ўтказилган худди шундай кўрикда олий совринни қўлга киритди. «Қалдирғоч» дастуридан ўрин олган халқ оғзаки ижоди намуналари: лапарлар, айтишувларни мухлислар севиб тинглайдилар, ансамблнинг ойнаи жаҳон орқали чиқишлари ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Қолаверса, бу оилавий гуруҳ ҳамиша халқнинг яхши кунларида хизматга тайёр. Аҳил, иноқ ака-укалар Абдураззоқ, Абдурауф, Абдумалик, Тоҳиржон, Аслиддин, Алижон, Зафаржон, Нодиржонларсиз даврлар ҳувиллаб қолади, дейишади уларнинг санъатидан баҳраманд бўлганлар.

Биз ана шу аҳил оилавий ансамблнинг ташкилотчиси, тўққиз ўғилнинг тўнғичи Абдурашид Исоқов билан суҳбатда бўлдик. У болалик йилларини шундай эслайди:

— 1960 йили ўқитувчи оиласида таваллуд топганман. Отам Жабборхон ака санъатга жуда ихлосманд одам бўлиб, санъат оламига кириб келишимда устозим даражасидаги инсон. Онам Муаззамхон ая мендан кейин саккиз ўғилни вояга етказганлар. Биз, фарзандларининг роҳатларини кўрсинлар илоҳим.

Болалигим кечган хушманзара Яккабоғ шаҳрининг сўлим табиати, ўйноқи шаршаралари менга илҳом бахш этганми ёки отамнинг санъатга меҳри биз фарзандларига кўчганми, ҳали мактабга бормасданоқ тўй-маъракаларда қўшиқ айтиб юрардим. Шундан бўлса керак, менда бошқа касбга ҳавас уйғонмаган. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимда драма тўгараги-миздаги хорга бошчи бўлганман. Мактабни тугатиб, Тошкент Маданият институтига ўқишга кирдим. У ерда менга домлалардан Феруза Тоирова, Қодиржон Маъмуров устозлик қилишди. Шу билан бирга, «Гуллола», «Олтин қўллар», «Ишчи таронаси» ансамбларида ижод қилдим. Кейин оилавий ансамблимиз «Қалдирғоч»да амакиларим Тўйчи ва Акмал Исоқовлар басталаган куйлар асосида қўшиқлар яратдик. «Юртим шаҳоли», «Гул шоҳида қолди рўмолинг», «Сен баҳорни соғинмадингми», «Ҳилолим» каби қўшиқларим ўша йилларнинг маҳсули.

— **Абдурашид ака, асосан миллий қўшиқлар ижрочиси бўлганингиз учун эстрадага муносабатингизни билмоқчи эдик.**

— Албатта, бошқа жанрлар каби қўшиқчиликда эстрадаларнинг бўлгани яхши. Бинобарин, бугун яхшигина миллий эстрадамиз бор. Ҳаммамизга таниш, эл севган «Ялла» ансамблини олинг. Уларнинг санъатига нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа республикаларда ҳам қизиқиш катта. Шунингдек, бугун тўйларимизни эстрадасиз тасаввур қилиш қийин. Лекин кейинги пайтда ҳақиқий санъатдан йироқ қўшиқлари билан ёшларни чалғитаётган гуруҳлар ҳам йўқ эмас, ҳатто баъзилари қачон ташкил этилдию қачон тарқаб кетганини билмай қоласан киши. Нима бўлганда ҳам, ҳақиқий истеъдодни халқнинг ўзи саралайди. Йиллар ўтиши билан ўз-ўзидан ажралиб қолаверади.

Қувонарли томони шундаки, ҳозир Абдурашид аканинг ўз фарзандлари билан ҳам яна бир оилавий ансамбл тузса бўладиган бўлиб қолди. Чунки рафиқаси Гулнозахон билан бирга тарбиялаётган тўрт ўғил ва бир қизлари ҳаммаси санъатни севишади. Катта ўғли-ку, аллақачон ёнига кириб, бирга-ликда ижод қила бошлаган. Айниқса, бу йил Абдурашид Исоқовларнинг катта ва кичик оилавий ансамбллари учун сермаҳсул келишига ишонамиз. Чунки 1998 йил Президентимиз фармони билан Оила йили, деб эълон қилинди, ва табиийки, оилавий ансамбларга ҳам эътибор кучаяди. Оила йилида оилавий ансамбларнинг дилтортар санъатидан баҳраманд бўлишга не етсин!

Дилфуза НОРМУРОДОВА

«ТАБАССУМ» ҚУТЛОВИ

Ойнаи жаҳоннинг «ҲАММА КЎРИШИ ШАРТ... ЭМАС» дам олиш дастурига

Шартмас ҳамма кўриши,
Аммо шартдир кулиши!
Кулдириш кўпнинг иши,
Келинг, кулги ошарга,
Ёппасига ҳашарга!

Ким кулги тўқир, майли,
Ким пайров ўқир, майли.
Ким кимни чўқир, майли,
Ёппасига ҳашарга,
Келинг, кулги ошарга!

Ҳофизу хонанда ҳам,
Шоиру созанда ҳам,
Кулгуни кўргай баҳам,
Ёппасига ҳашарга,
Келинг, кулгу ошарга!

Латифа бир чирманда,
Чертолмаган шарманда,
Қолманг, сиз ҳам армонда,
Ёппасига ҳашарга,
Келинг, кулгу ошарга!

Тоға, хола аммага,
Катта-кичик ҳаммага.
Кулгу даркор оммага!
Ёппасига ҳашарга,
Келинг, кулгу ошарга!

Даврa боши Ғопир Мирзо,
Ҳам муаллиф... хўп мазза!
Ўзини қилмас изза,
Ёппасига ҳашарга,
Келинг, кулгу ошарга!

Ҳазил, Ҳажв ва Ханда,
Бўлмагай энди канда,
Соф кулгу-соғлом танда.
Ёппасига ҳашарга,
Келинг кулгу ошарга!

Бўлса агар кимки мард,
Юқтирмас кулгуга гард,
Кулишмас-кулдириш шарт!
Ёппасига ҳашарга,
Келинг, кулгу ошарга!

Кулгудошлар ташланг қўл,
Хурсандчилик бўлсин мўл,
Кулгига тиланг, оқ йўл!
Ёппасига ҳашарга,
Келинг, кулгу ошарга!

Тўлан ҚЎЗИБОЕВ

Меҳнат фахрийси Ортиқбой ака Юсупов ўз машқлари билан вақтли матбуотда фаол қатнашиб келади. Унинг «Чўлпон» нашриётида чоп этилган «Юлдузларга борамиз» деб номланган шеърий тўплами ширин-шакар болакайларимизга муаллифнинг муносиб туҳфаси бўлди.

Ўтган йили Ортиқбой аканинг тўртликлар ва шеърлари жамланган «Ҳисобли дунё» мажмуаси ҳам нашрдан чиқди. Маиший мавзулардаги бу машқларида шоир маънавий қадриятларимизни улуғлайди, уларни тарғиб-ташвиқ этади.

Биз қуйида муаллифнинг айрим машқларини жажжи ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола этаётирмиз.

Ортиқбой ЮСУПОВ

ЎН САККИЗ ЎРДАК

Жамшид кўрсатиб ўрнак,
Бокди ўн саккиз ўрдак.
Тухум қўйди очирди.
Тўқсон бешдан оширди.
Қанча ўрдак қўшилган?
Воҳид айтар, у кўрган!

ШАР ВА БАШАР

Ахмаджонда олти шар
Алишерда саккиз шар.
Уни қўшиб, тенг бўлсак,
Қанча бўлади, Башар?

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Товуқ тухум туғадими?
Тухум товуқ туғадими?
Тухум товуқ туғадими?
Товуқ тухум туғадими?

* * *

Уч учувчи, уч марта учиб,
тоғнинг учини қучди.

* * *

Қодир қатикдан қурт қотирди.
Қаттиқ қуртни Қодир қатиқдан қотирди.

ТОПИШМОҚЛАР

Ҳеч ҳам тиним билмайди
Лек жойидан жилмайди
(соат).

* * *

Қорни катта, ярим халқа бўйнида,
Тилсими бор, сақлар уни қўйнида.
Савол берма, гапиришни билмайди —
Тил топмасанг, ичкарига қўймайди.
(қулф).

* * *

Одам эмас юради,
Кўп ишни дўндиради.
Агар қорни оч қолса,
Ғапирмай билдиради.
(машина).

Абдураҳмон АКБАР

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ!

ЭРТАЛАБ

Эринмасдан уйғотаман мен
Ҳар саҳарда хўрозларимни.
Улар менга навбатма-навбат
Ёзиб берар дарсларимни.
Сутга тўлган елинларини
Соғиб олар шошмасдан сигир.
Ўйнай бошлар кун билан яна
Шудрингларга чўмилган адир.
Бувижоним ётиб ухла, дер —
Чошгоҳгача ҳали кун узоқ.
Оғриётган бўлса томоғинг
Тезда еб ол муз ё музқаймоқ.
Хўп дейман-у бувижонимга
Ғап сотиб — дам олишни кўзлаб,
Тўртта қўйнинг ичагидан ҳам
Узун тушим бошлайман сўзлаб.
Оғриб кетгач оғзим, ноилож,
Отланаман зиёфат — «гап»га.
Дадажоним сумкамни олиб,
Йиғлай-йиғлай жўнар мактабга...

КИНОЮЛДУЗ

Икки ойлик эдим чамамда,
Янглишмасам ўша пайтлар.
Достонларни ёдлолмасам ҳам,
Ёзар эдим мен тузук байтлар.
Бўлмаса-да оғзимда тишим
Ёнғоқларни кўрдим демасдим.
Укам овқат пиширган чоғлар
Қўлларимни ювмай емасдим.
Қисқаси, мен — кимсан бир ою —
Минг соатлик жиш — чақалоққа,
Таклифнома келиб қолди денг
Кинода бош рол ўйнамоққа.
Айтаверсам, гап кўп, ошналар,
Қизиқ экан кино дегани.
Нок тутқазиб қўлингга, рухсат
Беришмаскан ростдан егани.
Бу филмда топиб НУЖ билан
Алоқани тиклаш йўлини,
Тўлдираман сувга Оролнинг
Орол бўлиб қолган кўлини.

Ўзим ўқийман!

Бу филмда сўкишмас ҳеч ким,
Қовоқ солмас биров-бировга.
Ўлжаларин сувга қўйворар
Балиқчилар борган чоғ овга.
Йўлбарс, қуён, олмахон, тулки
Яшайдилар бир инда аҳил.
Қилинади Ойга бадарға
Порахўру баднафс, бахил.
Қаҳрамоним — митти болажон,
Кашф этиб ажойиб бир тиғ,
Нафақат ер, ҳатто кўкни ҳам
Микроблардан айлайди фориғ.
Бошидан то охиригача
Асар завққа, оҳангга тўлиқ —
Қўшиқлардан гул ҳиди келар,
Унда гуллар айтишар қўшиқ!
Бетимсолдир қаҳрамоним, ҳа,
Ягонадир кучда, илмда.
...Хуллас, шундай кўринишлар бор,
Мен суратга тушган филмда!

ИХТИРО

«Туққанингга ёқмас тўғри гап»,
Деган мақол асли, жа, тўғри.
Ишонмайсан сен ҳам, масалан, —
Боққан десам бизни бир ўғри.
Чалғиб кетдим мавзудан чоғи,
Бошқа нарса ҳақида бу шеър.
Ёлғончисан дегани деган
Мени Ғофир билан Алишер.
...Кўргандирсан телевизорда
Кетмонларнинг кўкда учганин.
Шунга ўхшаш бир ихтирони
Яратяпман ишонавер — чин.
Тенг келармиш бир от кучига
Олтмиш мингта пашшанинг кучи.
От-ку азал меҳнат билан банд,
Пашша бўлса «саёқ, учувчи».
Чалғидингиз гапдан дейсанми?
Мақсадимни англамадинг сен.
Ўша «саёқ учувчи»ларни
Тўғри йўлга солмоқчиман мен.
Олтмиш эмас, юз мингта пашша
Шу кунларда қаттиқ боқувда.
Улар қанча бакувват бўлса,
Тажрибамга қўл келар жуда.
...Иситмам йўқ, эсим ҳам бутун,
Менга бундай ғалат қарама.
Наҳот икков ясай олмаймиз,
Пашшаларга пашшаарава?..

БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР

Гуллоланинг туғилган куни
Лола ёғди осмондан тинмай.
Йиғлаворди битта чумоли
Босиб олсам оёғин билмай.
Самарқандлик Баҳодир деган
Ўртоғимдан олиб келиб хат,
Оқ каптарим,
оқ каптаргинам,
Бахш айлади менга завқ, ҳайрат.
Кузак чоғи эди ўшанда
Даразамни чертди аллаким.
— Ким у? — дея овоз бердим ҳам
Тураверди индамасдан, жим.
Миқ этмадим ҳар сафаргидек,
Келмасин деб кўнглига малол —
Дарпардани бир-бир силкитиб,
Кириб олди хонамга шамол.
...Лоф дейсан-а, э, лофинг тугул,
Ёлғон сўзлаш менга ётдир бил.
Шундай ишлар бўлганди, жўра,
Бизлар томга шоли эккан йил.

БИЗ ТОМОНЛАРДА

Ёз ойлари ёғар қалин қор,
Қайнаб оқар анхорда сутлар.
Теракларнинг учига кўниб,
Эрта-ю кеч ухлар булутлар.
Итлар сичқон тутган кунлари
Мушуквойлар бир пода бўлиб,
Оч қайтишар даладан, аммо
Елинлари сувларга тўлиб.
Чақалоқлар оналарига
Алла айтар кўтаришиб даст.
Биз томонда арок, виномас,
Қатиқ ичиб бўлиш мумкин маст...

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Бош муҳаррир ходимнинг мақоласини ўқиб чиқиб сўради:

— Нега «эр» деган сўзда иккита, «р» ёздингиз?

Ходим жавоб берди:

— Ўтган галги мақоламда «арра» деб ёзсам «ара» бўлиб қолибди. Эҳтиёт шарт учун-да.

***

Бир новвойга харидор дашном берди:

— Нега нонингизнинг бир чеккаси куйган?

Новвой бош келмади:

— Ўзингиз қаерликсиз, яхши йигит?

— Оҳангаронлик.

— Ўша ер кўмирининг оловида пишган-да.

***

Бир одам қирғовул нимтаси сотаётган эди.

— Намунча нархи осмонда? — суради харидор.

— Ўзиниям уриб туширгунча озмунча ўқ учирдикми, ака? — деди сотувчи.

***

— Шунақа икки куннинг бирида урушавераркансизлар, нега деворни баландроқ кўтариб урмагансизлар? — хуноби ошиб сўради маҳалла оқсоқоли. Шунда қўшнилардан бири нима дебди денг:

— Тузукроқ овқат бўлган куни илинармиз, деб-да, айланай.

Ғиёс КОМИЛОВ

БОШИГА ТУШСА ТАЁҚ

Бор экан бир шахс уни одам деёлмайсиз, бироқ —
Қаҳратон суммотидан ҳаттоки маймун яхшироқ.

Меш каби шишган тани ҳам минг бир офатдан таранг,
Сочу қоши турфарангу кўзлари хўб сербўёқ.

Қолса-да чангу тўзонда, кеккайиб кўкка боқар,
Савлатидир бекиёсу иллатидир бесаноқ.

Мисли ўргимчак тўқир иғво чин инсон шаънига,
Алҳазар бу нусха бунча бадгумону бадқовоқ.

Ёнма-ёндир унга доир бир ғаразгўй, бир сатанг,
Ғийбат айлайди уларга ҳар кавакдан бир кучоқ.

Нафсибадлик бобида оламни ютган бир наханг,
Кимки кўрса жуфтагин ростлаб қочар ундан ироқ.

Қасбу-кори қайда-ю, қайда бисотида ҳунар,
Заррача қалбида йўқ меҳнатга ишқу иштиёқ.

Тун бўйи санқиб юрар ҳар ерда айш-ишрат ила,
Жисмини тутгай мудом тонг чоғи ҳадсиз қалтироқ.

Ёру дўстлар танбеҳини қилмаса гар у писанд,
Кўзи мошдек очилур хум бошига тушса таёқ.

Кирдикорин қанчалар ҳажв айласанг бўлмас адо,
Розиқо, ҳеч бир маконда унга бўлма ҳамтовоқ.

Розиқ РЎЗИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси ёзувчи
Келди ҚОДИРОВ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси
Константин Иванович АКСЕНОВ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўст-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Иқбол Мирзога падари бузруквори
МИРЗАКАРИМ ота
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймонга укаси
Турдиали СУЛАЙМОНОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти
Тамара НАЗАРОВА
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТАНИШУВ

Қорақурумлик Қулмуроднинг соқи-сумбати сув киргудек: баркашдай бет, белдаста бўйин, пахса елкалик, қорувли қорин, кетмон палла оёқлар...

Аммо, тан олмоқ керак, феъл-атворлари савлатига нисбатан анча «кўримсиз»роқ: бировдан олган омонатини эгасига қайтаришда ориятсиз овсар, ўзидан қарз сўралса ҳамиша кўр-у кар. Оч маҳали ошқозони «қўшнай», текин томоққа қолганда иштаҳа карнай. Меҳмондорчиликда ўтирганда узгаларга сахий, меҳрлари мўл-кўл, рўзғорида қозон қайнатишга келганда эса доимо ўтинлари ҳўл...

Қулмуроднинг кўчасидан қишлоқ подачиси юрмай қўйган. Сабаби, уй эгасининг яримта қотган нон бериб, эвазига «оши-ҳалол»идан бир коса-ярим коса ундириб олишидан бояқиш безор бўлган.

Қулмурод қорамол боқишни унча иқи суймайди. Аммо, қўшниси Бегали полиз бригад бўлган йилларда унинг ҳовлисидан сигир мўъраши эшитилиб қолганди.

Қулмурод бир маротабагина тўйда ўйинчига пул қистиришга мажбур бўлган. Ўшанда ҳам «ютуқ чиқмаган» лотереясини йирикроқ сўлкавойга алмаштириб олган, холос.

Ана шу «хислатлари» боисми, ҳамқишлоқлари ўзларига яқин олиб Қулмуродга орқаворотдан «хасис» деган бемаза лақабни тиркашган. Келинг, биз бегоналигимизга бориб, уни «қурумсоқ» дея атай қолайлик. (Ўзини бўлмасаям, ҳеч бўлмаганда гавдасини ҳурмат килиш керак-ку, ахир!)

Бу тарздаги таъриф-у ташбеҳларимизни «ғийбат» дея қабул қилмасликларингиз боис Қулмурод қурумсоқнинг ҳаётидан олинган айрим лавҳалар билан унинг «қулоғини қиздириш»ни лозим топдик. Хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола...

ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

Қулмурод қурумсоқ қайрағочнинг соясига пўстак ташлаб, нафсига таскин бериш мақсадида, даладан олиб келган маккажўхори сўтасини ситиб, капалаб ўтирарди. Тўсатдан димоғига таом ҳиди урилди. Бошини кўтариб қараса хотини катта корсон коса кўтариб келаяпти.

— Шўрва! Бегали ҳамсоянгиз сизга илинди... Мен ҳозир қотган нон обчиқай. Совутмай ича қолинг.

Қурумсоқнинг баркаш бети офтоб тушгандек ёришиб кетди. Оғзи қулоғи билан ўпишганча бодринг нусха бурнини коса устига эгилтирди.

— Оҳ-оҳ! Бу Бегали қурғур қўй боқишни билади-да! Шўрванинг бетидаги ёғини кўраябсанми?! Ў-ў, бармоғимнинг иккинчи бўғинигача ботди-я... Йўқ, бу таомни шундай ичиш гуноҳ. Хотин, бор, каттароқ пиёла обчиқ! Шўрвани совутиб, тўнглагандан кейин ёғини идишга йиғиб оламиз.

Хотин «маъқул» дегандай ичкарига йўл олди. Қулмурод қурумсоқ эса таомнинг «тўнглаши»ни кута бошлади. Шу аснода дарахтнинг тепа томонидан шохларнинг шатир-шутири-ю «ваг-ғ-вуғ-ғ!» деган товуш эшитилиб, бир мушук тўппа-тўғри «учиб келиб» косага тушди. Сачраган суюқликдан эт-бети куйган бўлса-да қурумсоқ ўзини йўқотиб қўймади. Илкис ҳаракат қилиб махлуқнинг гирибонидан тутди. Ерга тоблаб ориш учун жониворни даст кўтарарркан, аламидан қаттиқ сўкинди:

— Ҳе, бемаҳалда мов бўлган сендай пишакни! Эрсирамай ўл, ризқимни қиймай...

Қулмурод қурумсоқ шўрванинг ёғи мушук жунларида ялтираётганини англаб қолди. Эси оғиб, ҳаволанаётган қўли жойида қотди. Бироз гангиб тургач, кўзларини чирт юмди... Мушукни обдон ялаб, сўнг қўйиб юборди...

ТЎЙ КЎЧИРИЛДИ

Қулмурод қурумсоқнинг катта ўғли Элмурод Қорақурум қишлоғидан анча олис... Қаршидек шаҳри-азимда ўқийди. Қурумсоқнинг ўғлидан кўнгли тўқ. Сабаби, пухта-пишиқлиги худди ўзига ўхшайди. Мана, тўрт йилдан ошди-ки отасидан «пул-мул сўрамай», ярим кун сабоқда, ярим кун Янги бозорда тирикчилигини бинойидек ўтказиб юрибди. Аммо, Қулмурод қурумсоқнинг бирдан-бир ташвиши: «Пухта-пишиқ боланинг харидори кўп бўлади. Ўғли шаҳарлик қизларга илакишиб ўша ёқларда «ичкуёв-пичкуёв» бўлиб қолиб кетса-я?! Бундан ортиқ кўргилик борми!

Шу боис Қулмурод қурумсоқ «хавф»нинг олдини олиш пайига тушди. Аёли билан елиб-югуриб, ўғлига, бошқа қизнинг сувратини кўрсатиб бўлса-да, қўшни қишлоқнинг обрўлироқ одамнинг фарзандига нон ушатиб қўйди. Катта тўй эса куёвнинг «диплом ювдиси» билан қўшиб ўтказиладиган бўлди.

Бу ёғи кўнгилдагидек кўчди-ю, аммо нон ушатилганидан бошлаб қурумсоқнинг кўзидан уйқу қочди: «Эй-й, тўй қилишнинг ўзи бўладими?! Ҳай, келганлар ароқ ичмаса «барматуха» ичишар, мева-чева колхоз даласидан чиқар... Лекин, гўштчи?! Ҳозир, баҳор маҳали. Кузгача тўрт-беш ой бор. Иккитагина бундайроқ совлиқни арзон-гаровга олиб, ўт-пўт бериб боқса тўйгача бўрдоқига айланиб қолар-ов!

Қурумсоқ ана шу ниятда соғ тишини суғургудек қилиб бўлса-да, бир жуфтгина тирраки қўй сотиб олди. Ҳафта ўтар-ўтмас жониворларга эт иниб қолди.

Муҳаммад ОЧИЛ

ҚУЛМУРОД ҚУРУМСОҚ

хасиснинг ҳаётидан лавҳалар

... Қурумсоқ ҳар кунги одатича совлиқларини сой томонга ҳайдади. Чошгоҳга яқин қорни қулдираб ён-атрофга назар солди. Кўрдики, сал нарида тутзор. Меваси қонталаш бўлиб ер билан битта бўлиб ётибди. Қулмурод қурумсоқ нафсини жиловламай қолди. Оғзи сув очганча ёш боладек диконглаб тутзор томон чопқиллади. Қўйлар ҳам анойи эмаскан. Сувни қониқиб ичишгач, у ёқ-бу ёққа алангладиюа нарироқда яшнаб турган йўнғичқазорга ўзларини уришди.

Қулмурод қурумсоқ кекириб, тутзордан қорнини силаб чиқса, қўйлари ҳам тап-таранг дамлаб, оёқлари осмондан бўлиб ётишибди. Ҳуши бошидан учди. «Дод»лаганча беихтиёр белбоғидаги пичоққа тармашди. Хайрият улгурди—иккала қўйни ҳам суйиб-саранжомлагач, манглайига муздек тер аралаш ажин оралади:

— Бу ёғи расво бўлди-ку! Қандай қилиб улов топадию, қандай қилиб буни гузарга элтиб сотади? Сотгандаям, тирраки қўйнинг гўшти сув текинга кетиши тайин. Оббо, энди нима қилса экан?!

Миясига келган фикрдан қурумсоқнинг чеҳраси ёришди. Йўнғичқазорнинг ўртасида тик турган кўйи бор овозда аёли билан кенжа ўғлини чақира бошлади:

— Ҳой, хотин! Ҳой, Дилмурод! Биринг раисга чоп, биринг оқсоқолларга! Қаршибой, Тоғангга айт, Қаршига сим қоқсин. Элмурод тез етиб келсин! Халойиқ, эшитмадим деманглар, бугун ўғлим Элмуроднинг тўйи!

Тўй ўша куни ўтказилди. Эсда қоладигани — сал бўлмаса куёвнинг ўзи тўйдан қолиб кетаёзди...

ИТНИНГ УЛУШИ

Қорақурум улусининг тўй-маъракаси Овлиёқул ошпазсиз ўтмайди. Негаки, касбим «капгир айлантириш» деб қўл қовуштириб ўтирмайди. Сабзиям тўғрайверади, қозон-ўчоқни ҳам ўзи қазиб, ўзи қуради, қолаверса ўтин ёришнинг ҳам қойил қилади. Энг ҳайратланарлиси, тўйда қилган таоми на ортиб қолади, на етмай қолади... Ошпазнинг ғалати «хобби»си бор — у ҳам бўлса ит боқиш. Эҳтимол, бу хислати касби-корига боғлиқдир. Нега десангиз, тўй-ҳашамдан «чиқадиган» суякларнинг биринчи эгаси — ошпаз бўлади-да!

Аммо, мана бир ҳафтадан ошди-ки, Овлиёқул ошпазнинг дилида ғашлик, кўнгли қозоннинг кетидек қора, ичига чироқ тугул, каттакон тўнка ёқса ҳам ёришмайди. Ҳаммасига сабаб, ўзини «сен», уни «сиз» атаб юрган Олапар итининг бедарак йўқолганлиги. Жонивор кўримсиз бўлганида ҳам ичи ачишмасди. Шундай сўлақмонлиги устига ҳаққон эди. «Ол!» деса «ола қопни» олиб қочарди. Бошқаларнинг ити кўчага «бир бурда нон» илинжида чиқса, ошпазнинг Олапари туни билан изғиб, тишида бир парча ғиштми, бир бўлак темирми, ҳеч бўлмаганда «икки донагина михми» топиб уйига таширди. Кўзикдими, суқ кирдими, хуллас ана шу бебаҳо ит бедарак йўқолди. Ошпаз олапарини кўп излатди. Бировлар шаҳардан «маёвкага» келган «бизнесмен»лар бозорга чиқариб пуллаш учун итни ўмаришган дейишса, бошқалар ҳар йили колхозга келиб пиёз экадиганлар гумдон қилишган, деган хунук хабарлар тарқатишади. Нима бўлгандаям тахминлар кўп-у, аммо, итдан ҳануз дарак йўқ. Қайтага шундай хушчақчақ ошпазнинг тилдан қолгани чатоқ бўлди. «Ит»дан гап очсангиз жағи очилади, бошқа маҳали гунг-соқов...

Колхоз ҳосилотининг «қиз чиқардиси»да ҳам Овлиёқул ошпаз даранг-дурунгларга бепарво, ғам-андуҳга ботган қўйи кул титкилаб ўтирарди. Тўсатдан кимнингдир шундай биқин тарафида бурнини тортаётганини пайқади. Бошини кўтариб қараса — Қулмурод қурумсоқ катта корсон товоқни тутганча тиржайиб турибди.

— Ҳм-м, — деди ошпазнинг тутуни чиқиб. — Нега думингни ликиллатаяпсан? «Дп»га ош йўқ!»

Қурумсоқ танглайини тақиллатди.

— Ошинг керакмас. Суякдан сол... Кучугимга!

Ошпазнинг ғамдан қорайган юзига олов шуъласи тушгандек бўлди.

— Э-э, ит боқаяпсанми, ҳали! Вой, уккағарди ули-яй! Ўзиям кўппак дейсанми? Молодец, сен... Қани, косангни тут! Мен сенга айтсам, жура, ит вафо, хотин ҳалиги...

— Биламан, биламан... — Қурумсоқ ияк силтаб тамшанди. — Сен суякни иликлисидан сол. Иннайкейин, сал-пал гўшт ёпишганидан... Хўп, мен кетдим!

— Кучугингга салом айтиб қўй! — ошпазнинг хўрлиги келиб киприкларида ёш ялтиради. — Бир кўргани ўтарман, суяк-пуякдан тугун қилиб...

Тўй тугаб, Овлиёқул ошпаз уйига қайтаркан, хаёли яна Қулмурод қурумсоқ томон оғди:

— Кесакдан ўт чиқибди-да! Шу хасисни ит боқади деб сира ўйламагандим. Ўзиям кўппак дедими?! Бир кўрсам... Балки, Олапаримга ўхшар! Мана қўлимда қўш тугун, бошқа маҳал деб юраманми. Йўл усти, ҳозир кириб ўтсамчи?!

Ошпаз даҳлизда қурумсоқнинг кенжаси Дилмуродга рўбарў бўлди.

— Отанг қаерда полвон?

«Полвон» келгувчининг қўлидаги тугунчаларга суқланиб қараркан қувноқ оҳангда жавоб берди.

— Ие, сиз ҳам суяк олиб келаяпсизми? Отам супада сизни кутиб ўтирибди!

Ошпаз остона ҳатлади-ю, жойида қотди. Қулмурод қурумсоқ супада чордона қуриб, «таниш» товоқни бутининг орасига олганча ҳафсала билан сўнгак кемирарди.

Ошпаз олазарак ҳолатда атрофга аланглади.

— Ие, итгачи? Кўппак қаерда?

Қурумсоқ бармоқларини шилпиллатиб шимаркан мамнун ҳолда кекирди, сўнг кўкрак керди.

— Мана ит! Қарачи, қайси кўппакдан камман? Энди, жўра, хафа бўлмайсан. Тирикчилик! Сен итингга қанчалик меҳрибон бўлсанг, мен қорним учун шунчалик қайғураман... Энди ошна, олапаринг топилгунга қадар сўнгак-суякни бегона қилмай турасанда-а?!

Ошпазнинг қўлидаги қўш тугун ерга тушди. Шиқирлашига қараганда, афтидан суяк мўл эди...

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
1998 йил
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Камол ОЛЛОЁРОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 01027. 20265 нусхада босилди. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6